

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги муборак бўлсин!

Mustaqillik huquq demakdir

Низоид



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-yil 6-dekabr, №49 (830)



Жараён

Демократик тараққиёт йўлидан

Ҳар бир мамлакат ва халқнинг улуғ байрамлари бўлади. Бизнинг ана шундай байрамларимиздан бири — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун. Бу кун ҳаммамиз учун энг азиз, энг улуғ Мустақиллик байрамимиз мўътабар ва қадarli. Зеро, иккаласининг ҳам мазмун-моҳияти муштарак. Мана йигирма йилларки, биз мустақил Ватанимизнинг ўз Конституцияси қабул қилинган кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келмоқдамиз.

Конституциямизни том маънода ҳаёт китоби дейиш мумкин. Негаки, унда энг муҳим ҳаётий масалалар қамраб олинган, давлат, жамият ва инсон ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар, бурч ва мажбуриятлар ўз ифодасини топган, юртимиз конституциявий тузумининг моҳияти, унинг тараққиёт йўли ва бу йўл очик демократик ҳуқуқий давлат куриши, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўли эканлиги кўрсатиб берилган. Буларнинг ҳаммаси Асосий Қонунимизнинг кадр-қиммати ва нуфузини ошириб, унинг дунёдаги энг демократик конституциялардан бири сифатида эътироф этилишига сабаб бўлди. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, Конституциямизни тайёрлашда инсон ҳуқуқларига доир халқро ҳўжжатлар, энг ривожланган мамлакатларнинг асосий қонунлари ўрганилган, умумбашарий қадриятлар, демократик принциплар, миллий анъаналаримиз асос қилиб олинган эди. Конституциямиз ҳақида сўз юритганда, у халқимиз хоҳиш-иродасини, орзу-умидларини ўзида мужассам этган ҳуқуқий ҳўжжат эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаймиз. Шу ўринда баъзи тарихий маълумотларни келтирсак, ушбу фикрининг исботи бўлади.

1991 йилда Ўзбекистон Истиқлолга эришгач, мустақил

Ўзбекистоннинг Давлат рамзлари билан бирга ўз Конституциясини ҳам қабул қилиш зарур эди. Ўз эркига эга бўлган халқимиз энди қандай йўлни танлаши Конституцияда кўрсатиб берилиши талаб этиларди. Бу йўл қонун устуворлигига асосланган, инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланган демократик ҳуқуқий давлат куриши ва қучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўли эканлиги Юртбошимиз Ислам Каримов томонидан илгари сўрилди. Ана шу тамойилларни ўзида мужассам этган Асосий Қонунимизни тайёрлашга жуда катта тўйғармлик қўрилди. Аслида бу ҳаракат давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Истиқлолдан олдин — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1990 йил 20 июнда бўлган сессиясида тарихий аҳамиятга эга "Мустақиллик Декларацияси" қабул қилинган кундан бошланган эди. Ушанда Ўзбекистоннинг янги Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш учун Ислам Каримов бошчилигида 64 кишидан иборат комиссия тузилди ва ушбу комиссия Асосий қонун лойиҳаси устида 2,5 йил иш олиб борди. Бу борадаги жаҳон таҳрибаси, миллий давлатчилигимиз анъаналари, Буюк бобоқолонимиз Амир Темур ва бошқа алломаларимизнинг фикр ва ғоялари эътиборга олинди. Ниҳоят, янги Конституция лойиҳаси 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокама-

си учун матбуотда эълон қилинди. Муҳокама икки ой давом этди, лойиҳага баъзи бир тузатишлар киритилиб, 1992 йил 26 ноябрда иккинчи бор умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилди. Маълумотларга қараганда, муҳокама мобайнида 6 мингдан ошдиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилган ва улар инobatга олинган. Ниҳоят, 1992 йилнинг 8 декабрь кунин республика Олий Кенгашининг XI сессиясида депутатлар томонидан билдирилган таклифлар ҳам ҳисобга олинди, мустақил Ўзбекистон Республикасининг 6 бўлим, 128 моддадан иборат Конституцияси қабул қилинди.

Ўтган даврда Бош Қонунимиз ғояларини ҳаётга табиқ этиш учун жуда катта ишлар амалга оширилди. Президентимиз сўзлари билан айтганда, "Давлат курилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодийни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, янги ислохотлар ташаббускорли бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, қучли ижтимоий сиёсат юргизиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асослангандаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш" мамлакатимиз ҳаётини, фуқароларимиз интилишлари ва тафаккурини бутунлай ўзгартириб юборди. Халқимиз ҳўлигини, мустақилликнинг ҳўлбаҳш қучини англаб етди.

/Давоми 3-бетда/

Фаолият

Фаолиятимизнинг асосий мезони

Истиқлол неъматини ичида энг улуғи — жамиятда инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлиги тамойилининг мустақиллигини бўлиди. Мамлакатимизда барпо этилаётган эркин фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатнинг биринчи шартин ҳам шундан иборат.

Шу билан бир қаторда, янги тахрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижросини назорат қилиш тўғрисидаги норманинг фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш нормасига алмаштирилганлиги, қонунийлик ҳолати, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланганлигидан далолат беради.

Шу маънода, фуқароларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни қонуний ҳал этишга доимий эътибор қаратилиб, бу борадаги фаолият Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги "Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонун асосида ташиқлаштирилмоқда.

Прокуратура органлари томонидан 2012 йилнинг 10 ойи мобайнида фуқаролар ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини қонун доирасида тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

/Давоми 2-бетда/

Фуқаролик фаоллигида матбуотнинг роли

Жорий йилнинг 3 декабрь кунин Ўзбекистон матбуот маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда "Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш ва фуқаролик фаоллигида матбуотнинг роли ва аҳамияти" мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида сўз олганлар мамлакатимиз мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқлар эндиликда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий негизларини ислохот этишга, фуқароларнинг турмуш тарзини, ижтимоий фаоллигини оширишга ҳизмат қилаётганини эътироф этишди. Жумладан, демократик ислохотлар ҳамда модернизация жараёнлари жамиятда сиёсий, ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига, фаол фуқаролик позициясининг ривожланишига ҳизмат қилмоқда.

Амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар даврида сиёсий, ҳуқуқий маданиятнинг ўрни қандай бўлиши керак, аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, ҳуқуқий маданиятини қандай юксалтириш мумкин, деган масалаларнинг долзарблигини орттирди бормоқда. Табиийки, бу жараёнларда демократик тамойилларга таянган оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди.

Давра суҳбати иштирокчилари давлат ва жамоат бирлашмаларининг ахборот хизматлари, медиа-тузилмалари ишини янгида фаоллаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш кераклигини таъкидлашди. Йўналишда оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан муносабатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини қучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш зарурлиги ҳам айтиб ўтилди.

Шунингдек, анжуманда жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари олдига турган вазифалар, бу борада журналистларнинг ихтисослашуви ва маъсулиятини қучайтириш билан боғлиқ масалалар ва уларнинг ечимлари ҳақида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўз мухбиримиз

Фаолиятимизнинг асосий мезони

[Давоми. Бошлангичи 1-бетда]

Қайд этилган давр мобайнида прокуратура органлари келиб тушган муносабатлар 114 мингдан зиёд ташкил этиб, 42 мингдан кўпроги бевосита прокуратура органларида ҳал этилган. Шундан 6 мингдан ортиғи қаноатлантирилиб, 6918 нафар шахснинг бўзилган ҳуқуқи прокурор назорати ҳужжатлари қўлланган ҳолда тикланган. 69 мингга яқин муносабат тааллуқлилиги бўйича бошқа идораларга юборилган.

Шунингдек, фуқароларнинг қабулига ҳам жиддий эътибор қаратилиб, бу борада ҳар бир ҳодимнинг масъулиятини ошириш чоралари қўрилган. Барча прокуратура органларида "Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддаси талабидан келиб чиққан ҳолда, қабул жадвали тўзилган ва ушбу жадвалга мувофиқ, фуқаролар ҳар куни, улар учун қулай вақтда қабул қилинмоқдалар. Қўнончи, бу даврда прокуратура органлари томонидан жами 88 мингдан зиёд фуқаро қабул қилинган, шундан 26 мингдан ортиғи яшаб, иш ва ўқиш жойларида қабул қилинган.

2012 йилнинг ўтган 10 ойи давомида "Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан прокуратура органлари томонидан жами 227 та текшириш ўтказилиб, натижасига қўра, ноқўнонй қарорларни бекор қилиш ҳақида 54 та протест, қўнонбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 482 та тақдимнома киритилган. Шунингдек, қўнонбузилишига йўл қўймаслик ҳақида 82 нафар мансабдор шахс расман оғохлантирилиб, 992 нафари интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган. Жумладан, фуқаро М.Топилдиева ва бошқаларнинг муносабатлари қўнон бўлиб қайда қайда қўнон ижроси тўғрисида ҳокимликда текширилганда, туман архитектори Р.Ботиров томонидан фуқаролар М.Менглиев, К.Умарходжаев, Б.Хусанов ва бошқаларнинг муносабатлари қўнонда белгиланган муддатда ҳал қилинмаганига ва уларга жавоб хатлари берилмаганига оқибатида фуқароларнинг манфаатларига жиддий зиён етказилганлиги аниқланган. Ушбу ҳолат юзасидан ЖКнинг 144-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланган.

Шунингдек, тадбиркорларнинг бўзилган ҳуқуқларини тиклаш ва қўнонй манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги муносабатлар юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширил-

ган. Жумладан, "Фараксут" МЧЖ раҳбари Х.Аббаров Фаргона шаҳар прокуратурасига "Турон банк" Фаргона вилоят филиали томонидан иш фаолиятини ривожлантириш учун кредит берилмаётганлигидан норози бўлиб муносабат қўнон ва кредит ажратилишида амалий ёрдам сўраган. Прокуратуранинг аралашуvidан сўнг МЧЖ раҳбари Х.Аббаровга 30 млн. сўм кредит маблағи ажратилиши таъминланди.

Навоий шаҳар прокуратурасига дивиденд тўлови учун "Турон банки" Навоий филиалидан нақд пул олишда амалий ёрдам беришни сўраган "Кармана Тонг" хусусий корхонаси раҳбари А.Юсуповнинг муносабати юзасидан ўтказилган текшириш натижасига қўра, хусусий корхона раҳбарининг талаби қаноатлантирилиб, унга 1 млн. 600 минг сўм маблағнинг олиб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, тадбиркорларнинг, айниқса, кичик бизнес субъектларининг қўнонй манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муносабатларини тезкорлик билан қабул қилиш ва ҳал этиш ишларини фаоллаштириш мақсадида ўрнатилган ишонч телефонларида келиб тушган

Шерзод АМИРОВ,
Бош прокуратура бўлим бошлиғи

муносабатлар ҳам "Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонунда белгиланган тартиб асосида қўнон қилинмоқда.

Хусусан, Сарисой туманидаги "Шоҳида Шамсиддин" хусусий корхонаси раҳбари Ш.Сирохов шағал ишлаб чиқариш корхонаси куриш учун "Қишлоққурилишбанк" Сарисой филиалидан кредит ажратилмаётганлигини баён этиб, қўнонй ёрдам беришни сўраган. Туман прокуратураси томонидан мазкур муносабат қўнон қилиб, тадбиркорга фаолиятини юритиш учун банк томонидан 250 млн. сўм кредит ажратилиши таъминланган.

Прокуратура органлари ҳодимлари фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ҳуқуқий тарғиботни, фуқароларни қабул қилиш маданиятини янада ошириш ҳамда мунтазам равишда қўнон устуворлиги таъминлашига қаратилган фаолиятларини тақомиллаштириб боришни ўз олдларига мақсад қилиб, бу борада фаол меҳнат қилишмоқда.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётгани боис тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилди. Қорақалпоғистон Республикасида 2012 йилнинг ўзига 1820 дан зиёд янги кичик бизнес субъектларининг рўйхатга олинishi ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Айни шу кунларда фақат рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектларининг сони 21 минг 522 тани ташкил этади.

Иқтисодиётимиз пойдевори

Музаффар МАТЧОНОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори

Нуриддин ОКНАЗАРОВ,

«Hudud»

Жорий йилнинг учинчи чораги якунлари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қишлоқ ҳўжалигидаги улуши 96,4 фоиздан 97 фоизга, қурилишдаги улуши 68,2 фоиздан 77,0 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялардаги улуши 20,1 фоиздан 60,6 фоизга, саноатдаги улуши эса 24,3 фоиздан 27,9 фоизга ошган.

Давлатимиз иқтисодиётининг асосий йўналишларидан бирига айланиётган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш борасида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бунда асосий фаолият Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, ҳўкумат қарорлари ва Бош прокурорнинг "Тадбиркорлик субъектларини ҳўқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қўнон ижроси юзасидан прокурор назоратини қўнонйириш тўғрисида"ги бўйруғи асосида ташкил қилинаётти. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойи давомида 176 нафар тадбиркорнинг қўнонй ҳўқуқ ва манфаатлари тикланди. Тегishi идораларга 10 та тақдимнома киритилиб, ноқўнонй қарорларга нисбатан 41 та протест келтирилди. Тадбиркорларнинг қўнонй манфаатларини қўллаб судларга 13 млн. 650 минг сўм маблағларни ўндириш юзасидан 8 та даъво аризалари киритилди.

Прокуратурада ташкил этилган "007" ишонч телефони ҳам ишмизнинг ижобий томонига солишжида ёрдам бермоқда. Ўтган 9 ой давомида ишонч телефонлари орқали 77 нафар тадбиркор муносабат қўнон бўлса, шуларнинг асосий қисми қаноатлантирилди. Жумладан, 24 нафар тадбиркорга 1 млрд. 68 млн. сўм миқдорда кредит ажратилишига қўмақлашилди. 42 нафар тадбиркорнинг 52,7 млн. сўм миқдордаги ҳўжлари ўндириб берилди.

Масалан, Тяхаттош шаҳар прокуратурасининг ишонч телефонида муносабат қўнон "Наукатай Тяхаттош" хусусий фирмаси раҳбари Ф.Қалимова Тяхаттош маҳсул йўл-қўриқ бошқармаси билан тўзилган шартнома асосида қўрсатган хизматни учун маблағни ололмаётганлигини билдирган. Прокуратуранинг бевосита аралашуви билан 23 млн. сўм маблағнинг фирмага олиб берилиши таъминланди.

"Элликкалба АТК-20" масъулияти чекланган жамияти раиси Рамайтилло Матчонов эса Элликкалба туман прокуратурасининг "007" ракамли ишонч телефонида муносабат қўнон, туман аҳлисига сифатли йўловчи ташини хизматни қўрсатиш мақсадида янги автобуслар сотиб олиш ва шу тариқа иш фаолиятини кенгайтириш учун ОАТБ Арбобан Бўстон бўлимидан 400 млн. сўм кредит ажратилишда амалий ёрдам берилишини сўраган. Прокуратуранинг қўмағи билан ушбу муносабат ҳам қаноатлантирилди.

Бундай ижобий ишлар билан бир қаторда, айрим мансабдор шахслар томонидан қўнонбузилиши ҳолатлари ҳам рўй бераётганидан қўнон юмиб бўлмайдми. Мисол учун, Тўрткўл туман тадбиркорларни рўйхатга олиш инспекцияси ҳодими Д.Ҳажиев 4 нафар тадбиркордан ортиқча ҳисобот ва маълумот талаб қилганлиги ва 2 нафар тадбиркордан эса 18 минг сўм ортиқча йўнон олганлиги учун прокурор тақдимномасига асосан интизомий жавобгарликка тортилди.

Савдо қондасини бузганлар

Маълумки, алкоғолли маҳсулотларни сотишнинг ўз қўнон-қондаси бор. Бу иш билан шуғулланаман, деган тадбиркор теғишли тартибдаги лицензияга эга бўлиши ва белгиланган савдо қондаларига амал қилиши лозим бўлади. Бу каби ҳолатлар Президентимизнинг 2007 йил 16 мартдаги "Алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишнинг янада тартибга солиш тўғрисида"ги Қарори билан тартибга солинадди. Мазкур қарорга амал қилмаганлар эса қўнон олдда жавоб беришига тўғри келади.

Ўн йил вақт мобайнида Баҳмал туманидаги "Нур Умнат" кенг тармоқли хусусий фирмаси раҳбари лавозимда ишлаб келган Норқул Туранов, нима бўлди-ю, кейинги пайтларда ўз ишига совуққон муносабатда бўла бошлади. Алап-оқибат қўнон миқдордаги алкоғолли маҳсулотларни қўнонға хилоф равишда муомалага қилишти, товарлар савдоси ва хизмат қўрсатиш қондаларини бузиш каби қўнонбузарликларни содир этди.

Жумладан, хусусий фирмага вилоят ҳокимлигидан алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳўқуқини берадиган рўқат гувоҳномасининг амал қилиш муддати ўтган йилнинг 1 август кўни тугаган бўлса-да, уни узайтириш чорасини қўрмай, савдонинг давом этираверди. Текширишларда 2011 йилнинг августда 5 млн. 751 минг сўмлик, сентябрда 693 минг 100 сўмлик, октябрда 2 млн. 36 минг 500 сўмлик, умумий ҳисобда эса 8 млн. 480 минг 750 сўмлик алкоғолли маҳсулотлар қўнонға хилоф равишда сотиб юборилганлиги

Баҳриддин ДЖУМАЕВ,
СВОЖДЛК Департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи

аниқланди.

Н.Туранов шунингдек, савдо қондаларини ҳам мунтазам бузиб келган экан. Фирма дўқонидидаги назорат касса машинаси ишлатилмагани ҳолда, харидорларга чек берилмай, савдодан тушган 88 млн. 108 минг 300 сўм нақд пул банкка топшириб юборилган.

Шу каби қилишни тумандаги "ТО'ЛҚИН-ИКОМ-ФАРМ" хусусий фирмаси раҳбари Шерзод Шодмонов ҳам содир этган экан. Бу тадбиркорнинг ҳам алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳўқуқини бевурич рўқат гувоҳномасининг амал қилиш муддати ўтиб кетган бўлса-да, спиртли маҳсулотларни муомалага қилишга бериб. Жорий йилнинг 27 февраль кўни ДСИ ҳодимлари томонидан ўтказилган текширишда жами 11 млн. 681 минг 600 сўмлик алкоғолли маҳсулотларнинг қўнонға хилоф равишда муомалага қилинганлиги аниқланди. Шунингдек, кириш ҳўжатлари бўлмаган 34 қўти тамаки маҳсулотлари ҳам ашвейи далил сифатида олиб қўйилди.

Қўнон барнага баробар. Ҳар икки ҳолат бўйича айбдорларга теғишли жазо тайинланди.

Умид қиламизки, улар тайинланган жазодан ўзларига теғишли ҳўлоса чиқариб, бундан бўён савдо ва хизмат қўрсатиш қондаларига тўлиқ амал қилишди.

Солиқ ватанимиз равнақи учун хизмат қилади

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида фуқаролар қўнон билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йўғимларни тўлашлари мажбурий эканлиги белгиланган бўлиб, ушбу норма Солиқ кодексига ҳам ўз ифодасини топган.

Қўнон билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йўғимларни тўлаш борасида конституциявий мажбурий жамиятда яшаётган ва давлат фаолиятининг натижаларидан фойдаланаётган фуқаролар учун оддий талабдир. Солиқлар кинингидир бойиши учун эмас, балки фаровонлигимизга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳўзуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни

легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ва ҳўқуқбузарликларга қарши курашиш, яширин иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи шахсларни фўш этиб, бюджет ва бюджетдан ташқари мажбурий тўловлар ҳамда йўғимларни таъминлаш ва давлат манфаатларига етказилган зарарларни ўндириш бўйича теғишли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Қўнончи, департаментнинг Бойсун туман бўлими ҳодимлари томонидан тумандаги "Жило Файз" хусусий фирмаси фаолияти ўрганганда, фирма бошлиғи Б.Маматов ДСИга топширган ҳисоботларда ягона иж-

Рўзихмаҳмад ТУРСУНКУЛОВ,
СВОЖДЛК Департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси матбуот гўруҳи катта инспектори

тимоий тўловларни 19,3 млн. сўмга камайтирган ҳолда қўрсатиш, жуда қўнон миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйон тўлаб келганлиги маълум бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан қўноннинг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг теғишли моддаси билан жиноий иш қўзғатилди. Тайинланган ҳўжжати текширишлар натижасида 284,2 млн. сўм қўшимча солиқ ва молиявий жаримлар ҳўсобида, шундан 73,8 млн. сўми ўндирилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланади



Демократик тараққиёт йўлидан

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини тубдан ўзгартириш ва янгилаш зарурияти ислохотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини яратишни талаб этарди. Мустақилликнинг дастлабки даврида қонунчилик соҳасида асосий эътибор ана шунга қаратилди ва бу жараёнда Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниб иш олиб борилди. Давлат қурилишига доир конституциявий қонунлар қабул қилинди. Айниқса, 2003 йилда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги конституциявий Қонунларнинг қабул қилиниши миллий парламентизмни ривожлантириш борасида катта аҳамиятга эга бўлди.

Умуман, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Асосий Қонун сифатида барча қонунларимизнинг, ҳуқуқий тизимимизнинг ўзаги бўлиб келмоқда. Давр тақозосига кўра, бир қанча қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаёпти, янги қонунлар қабул қилинмоқда. Утган даврда Конституциямизга ҳам муҳим ўзгаришлар киритилиб, янада мукамаллаштирилди. Икки палатали парламент тузиш эҳтиёжига кўра киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар жамиятини янада эркинлаштириш ва демократик янгилаш сари ташланган қадам бўлди. Хуллас, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги ваколатлар демократия тамойилларига кўра қайта тақсимланди.

2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда жуда катта аҳамият касб этади. Президентимиз ўз маърузасида, хусусан, Конституциямизга киритилиши зарур бўлган қатор ўзгариш ва қўшимчаларни қайд этиб ўтган эди. Бу ўзгаришлар 98-, 96-, 78-, 93-моддаларга тааллуқли бўлиб, улар давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар ва бу соҳадаги вазифалар Конституциямизнинг бош ғояси бўлган инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, жиноятчиликка қарши курашга, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган. Зеро, қонун устувор бўлмаган мамлакатда демократияга эришиб бўлмайди. Мамлакатимизда қонунийликни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча органлар қатори прокуратура органлари олдида ҳам катта вазифалар қўйилган. Конституциямизнинг 118-моддасида "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади" деб аниқ белгиланган қўйилган ҳам бежиз эмас.

Қонунлар ва бошқа меъриё-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини назорат қилиш борасида вилоятимиз прокуратураси органлари томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Иш фаолиятимизда Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни дастуриламал бўлмоқда. Ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш билан бирга, қонунларимизнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, энг аввало, ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятга, яъни ҳар бир киши ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши билан бирга, ўзгалар ҳақ-ҳуқуқини, давлат ва жамият манфаатларини ҳурмат қилишига боғлиқ. Шу боис, ҳуқуқий маърифат масаласига алоҳида эътибор берилган, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва билиминини ошириш чоралари кўрилатгани ҳам бежиз эмас. Ўртабшумимиз ташаббуси билан барча мактаблар, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртилари таълим дастурларига махсус "Инсон ҳуқуқлари" ўқув курси киритилган. Инсон ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятларини ўзида муҷассам этган Конституцияни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Конституцияни яхши билган киши энг зарур ҳуқуқий билимга эга

Худойкул ТУРДИБОЕВ,
Қашқадарё вилоят прокурори

бўлади, қонунлар моҳиятини тўғри тушунади, ҳаётда янглишмайди, муаммоларни қонуний ҳал этиш йўлини топа олади. Афсуски, барча таълим масканларида ҳам ёшларни ҳуқуқий билимлардан хабардор этиш, Асосий Қонунимизни ўргатиш талабига жавоб беради, дея олмаيمиз. Ваҳоланки, Конституциямизни ўргатиш ҳам, ўрганиш ҳам мушкул иш эмас. У ниҳоятда содда, раво ва англаш осон бўлган услубда ёзилган. Мисол учун 1-моддасига эътибор беринг:

"Ўзбекистон — суверен демократик республика. Давлатнинг "Ўзбекистон Республикаси" ва "Ўзбекистон" деган номлари бир маънони англатади". Биринчи гапда мамлакатимиз мустақил тараққиётнинг демократик йўлини танлаган республика эканлиги таъкидланган бўлса, кейинги гапда икки хил номда ёзилиши ва айтилиши мумкинлиги, лекин бир маънони билдириши англашилди турибди. 64-моддадаги "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар" ёки 66-моддадаги "Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар" деган фикрлар қанчалар содда, раво ва аини пайтда мазмундор. Энг муҳими, бу сўзларда миллий қадриятларимиз қонуний қўринишга келтирилган. Ана шундай услубда ёзилган Конституциямиз хотирамизга осон ва мустаҳкам ўрнашиб қолади, албатта.

Ўзбекистон мустақилликка эришган, тадрижий равишда, босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар ва демократик тараққиёт йўлини танлаган эди. Бу тўғри йўл эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Халқимиз танлаган йўл ва эришяётган ютуқлар "ўзбек модели" сифатида шухрат қозонди. Ушбу моделнинг самараларини юртимиздаги тинчлик ва осойишталикда, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларида, халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончи ва фаровон ҳаётда кўрмоқдамиз. Буларнинг ҳаммаси Конституциямиз ғоялари нақадар ҳаётбахшлигини кўрсатиб турибди.

Конституция ва прокуратура

Мирағлам МИРЗАЕВ,

Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, Конституциямиз қонун устуворлиги, унинг барча фуқаролар учун тенглиги, шунингдек, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тиниб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизминини шакллантиришга қаратилган қонуний негизни яратди.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий давлатчилик сари интилган ҳар қандай демократик Конституция устувор аҳамият касб этади. Фақат давр талабларига жавоб берадиган конституциягина йирик ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг самарадорлиги учун зарур бўлган жўшқинлик ва барқарорлик уйғунлигини таъминлайди.

Шу боис, юртимиз истиклолга эришган, янги суверен ва демократик давлат мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарурати туғилди. Аввало, у қабул қилиниши натижа-сида жамиятда барқарор конституциявий тартиб ўрнатилиб, давлат органлари Конституция доирасида шакллангани ва амал қилиб келаётганлигини айтиб ўтиш зарур.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларини ҳам чуқур қамраб олди. Демократик ислохотларнинг изчил ва тизимли амалга оширилиши натижаси ўларок, Ўзбекистонда конституциявий ҳуқуқий давлат асослари шакллантирилди. Мустақиллик Қому-си бўлиши Конституцияда белгиланган давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари тизими ҳамда миллий демократик давлатчилик асослари барпо этилди ва Ўзбекистонда давлат органлари тизимини шакллантиришнинг муҳим конституциявий принципи бўлиши давлат ҳокимияти ваколатларининг тақсимланиши тамойили изчил ҳаётга татбиқ этилди.

Давлат ҳокимияти ваколатлари тақсимланишининг конституциявий тизимида прокуратура органлари алоҳида ўрин тутди. Амалиётчи ва ҳуқуқшунос олим, юридик фанлар доктори Зокир Ибрагимовнинг Конституциямизнинг 20 йиллиги арафасида босмадан чиққан "Конституция — прокуратура органлари ҳуқуқий мақомининг пойдевори" номли рисоласи айнан шу илмий-назарий ва амалий аҳамиятга молик муаммони таҳлил қилишга бағишланган. Унда истиклол йилларида Ўзбекистон прокуратурасининг давлат органлари тизимида тутган ўрни, суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишдаги ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти илмий мушоҳада қилинган.

Асарда прокуратура органлари фаолиятининг ташкил этилиши борасида мамлакатимизда юзага келган ҳуқуқий ҳолатга баҳо берилган. Муаллифнинг фикрига кўра, Ўзбекистонда бу вазият шундайки, унга биноан, прокуратура ҳокимият органларининг ҳар бирига ҳуқуқий таъсир кўрсатиш имкониятига эга ва аксинча. У қонуннинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича ўз ваколатлари доирасида барча давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан уларга юклатилган мажбуриятлар қандай бажарилаётганини кузатиб туради.

Прокуратуранинг мамлакатимиз ривожланишида тутган мавқеи ҳамда фаолиятининг аҳамиятидан келиб чиқиб, уни давлат ҳокимияти институтига хос барча зарур хусусият ва сифатларга эга, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш ваколати юклатилган махсус давлат ҳокимияти органи дейиш мумкин.

Бошқача сўз билан айтганда, Ўзбекистон прокуратураси ҳокимиятнинг аънавий тармоқлари ҳисобланган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг биронтасига ҳам кирмайдиган, функционал жиҳатдан мустақил давлат — ҳуқуқий институт сифатида фаолият юритади.

Ўйлаймизки, асар муаллифининг ушбу фикрлари прокуратура органларининг юртимизда қонун устуворлигини таъминлашдек жамият фаровонлигининг энг муҳим шартларидан бирини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги қундалик амалий фаолиятида ўз тасдиқини топомқда.

Бунинг яққол тасдиғи сифатида фақатгина охириги икки йил мобайнида Ўзбекистон прокуратураси органлари томонидан 98 мингдан ортиқ шахсларнинг поймол этилган ҳуқуқлари тикланганини эътироф этиш kifойадир.

Маълумки, Президентимиз томонидан тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" конституциявий тараққиёт, давлатни модернизация қилиш стратегик мақсадларини амалга оширишдаги янги босқични бошлаб берди.

Асарда ушбу раҳбарий ҳужжат асосида мамлакатни модернизациялаш ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини либераллаштириш даврида прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомини ривожлантириш босқичлари ва йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилган.

Мухтасар қилиб айтганда, юридик фанлар доктори Зокир Ибрагимовнинг "Конституция — прокуратура органлари ҳуқуқий мақомининг пойдевори" номли рисоласи кенг китобхоналар омасини прокуратура фаолияти ҳақида таништиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Хорижий инвесторлар фаолиятининг ҳуқуқий ҳимояси

Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, инсон манфаатлари ва эркинлиги, қонун устуворлиги тўла-тўқис таъминланганлиги боис, аунининг кўпалаб ривожланган мамлакатларининг йирик компаниялари, сармоядорлари биз билан ўзаро иқтисодий ҳамкорлик қилиш истиғини билдирмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги қўлай инвестиция муҳити, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун имтиёзлар, афзалликлар, энг асосийси кафолатлар тизимининг тўлиқ шакллантирилиши чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг йилдан-йилга кўпайиб боришига замин яратди. Бугун мамлакатимиз умумий экспортнинг 18,8 фоизи, импорт қилинган маҳсулотларнинг 44,1 фоизи хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг эълон қилиниши эса бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Қабул қилинган мазкур Фармон инвесторлар ва чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналарга кўпалаб имтиёзлар ҳамда қатор афзалликлар берганлиги натижасида 288 та шу турдаги янги корхоналар ташкил этилди. Эндиликда, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг истиқболи ва янада барқарор ишлаши учун давлатнинг қўллаб-қувватлаш тизими кучайтирилди. Қолаверса, мазкур турдаги корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ қўшимча талаблар ёки чекловлар ўрнатилиши каттиян таъқиқланди.

Фармон билан прокуратура органларига хорижий инвесторларнинг, хорижий инвести-

циялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоя қилиш, қонун ҳужжатларига барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари сўзсиз риоя этишлари устидан назорат олиб бориш вазифаси юклатилди.

Ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда Бош прокуратура томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонунлари ва бу борадаги бошқа қонун ҳужжатлари ижроси устидан доимий назорат тадбирлари олиб боришмоқда. Шу билан бирга бундай қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини янада кучайтириш мақсадида 2012 йил 30 апрелда Бош прокурорнинг алоҳида кўрсатмаси ижро қилиш учун жойлардаги прокурорларга юборилди.

Шунингдек, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида 2012 йил 30 май кунини Бош прокуратурада бир қатор вазирликлар, давлат қўмиталари, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари ҳамда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар раҳбарлари иштирокида учрашув ташкил этилди. Унда амалга оширилган ишлар ва эришилган ютуқлар, шунингдек бундай корхоналар фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув сўнггида хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қону-

ний манфаатларини таъминлашда мансабдор шахсларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини кескин оширишга қаратилган қарор қабул қилинди.

Бош прокуратура томонидан хорижий инвесторларнинг асосий қисми турли ҳудудларда фаолият кўрсатаётганлиги эътиборга олиниб, бундай тадбирларни ўша жойларда ўтказиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида 2012 йил 8 июнь кунини хорижий инвесторлар билан ўтказилган учрашув бу борадаги тадбирларнинг мантиқий давомидир.

Юқоридаги фармон ва қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ҳамда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, фаолиятидаги мавжуд муаммоларни тўла бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, назорат тадбирларида Нукус шаҳридаги "Игилик газ" Қорақалпоғистон-Россия қўшма корхонаси МЧЖ мансабдор шахслари корхонанинг таъсисчиси ҳисобланган Россиянинг "СтройТрансГаз-Ойл прогресс" ЁАЖнинг корхонани бошқаришдаги иштирокини чеклаш мақсадида фуқаро С.Гусейновни жамият кузатув кенгаши раиси этиб тайинлаш ҳақида қалбаки ҳужжатлар тузиб, хорижий инвестор манфаатларига жиддий зарар етказганликлари маълум бўлди. Мазкур ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, қонуний чоралар қўрилди.

Олиб борилган тадбирларда хорижий инвестиция иштирокидаги 10 та корхонанинг қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўйилганлиги ҳам

аниқланди. Хусусан, Тошкент вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан Паркент туманидаги хорижий инвестиция иштирокидаги "UZ MILANA" корхонасида ўтказилган текшириш якунига кўра, корхона технология Ш.Асанова ноқонуний маъмурий жавобгарликка тортилган. Ушбу ноқонуний қарор прокурор протестига асосан бекор қилинди.

Яна бир ҳолатда эса Когон туман Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастр хизмати ходимлари томонидан кадастр ҳужжатларини тайёрлаб берганлик учун "Бухоро Баҳор" қўшма корхонасидан ортиқча тўлов ундирилган. Шу боис, ортиқча тўланган ушбу маблағлар қўшма корхонага қайтарилди.

Мазкур йўналишда ўтказилган назорат тадбирлари натижалари шунини кўрсатмоқдаки, маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли давлат бошқаруви органлари томонидан чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг муаммолари чққур ўрганилган ҳамда уларга тегишли тартибда қўмақлаштиш учун чора-тадбирлар қўрилмаган. Бунга, Узун туман ҳокимлигининг "Узун Комрон" қўшма корхонаси фаолиятига эътиборсизлиги мисол бўла олади. Ҳокимликнинг ҳеч қандай қизиқиши ёки ёрдами, қолангера, тақлифи ҳам йўқлиги оқибатида мазкур корхона 2008 йилдан буён фаолият кўрсатмаган. Шундай салбий ҳолатлар Фаргона шаҳридаги "Скорпион", "Деймос-Леда" ва "Ўз-Полтекс" қўшма корхоналари фаолиятининг вақтинча тўхтаб қолишига ҳам сабаб бўлганлиги ачинарлидир.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган бу борадаги назорат тадбирлари давомида республика бўйича 23 та хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарга

Авазбек ЮСУПОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

ҳамда хорижий инвесторларга амалий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Бундан ташқари прокуратура органлари хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг муножаатлари ўз вақтида қўриб чиқишли устидан доимий назорат ўрнатилган. Бунда прокуратура органларида ташкил этилган "007" ишонч телефонлари имкониётларидан ҳам самарали фойдаланиш йўлга қўйилган.

Жондор туман ҳокимлиги ҳузуридаги архитектура ва курилиш бўлими бош меймори С.Хусенов томонидан чет эл инвестицияси иштирокидаги "Жондор продукция" ва бошқа бир қатор корхоналарнинг ер майдони ажратиш тўғрисидаги муножаатлари умуман қўриб чиқилмаганлиги учун суд олдида жавоб бермоқда.

Шунингдек, республика мизининг айрим туманларида хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарга электр таъминотини ўз вақтида етказиб бермаслик ҳолатлари ҳам учрамоқда. Биргина, "Бухоро-гипс" қўшма корхонаси электр энергияси ўз вақтида етказиб берилмаганлиги оқибатида 76 млн. сўм зарар кўрган. Мазкур ҳолат юзасидан етказилган зарарни Когон электр тармоқлари корхонасидан ундириш ҳақида судга даъво аризаси киритилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Ватан тараққиёти, эл фаровонлигини кўзлаган ҳар қандай фуқаро мамлакатимизда юз бераётган илчил исплохотларга бефарқ бўлмайд ва аксинча, уларнинг амалга оширилишида иштирок этиш орқали юрт равнақига ҳисса қўшади.

Бола ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

Фарзандлар бизнинг келажагимиз. Уларга бугун тўғри йўл кўрсата олсак, эртанги кунимиз янада мустақам бўлади. Яхши-ёмоннинг фарқида бормайдиган, оқ-қорани ҳам ажратолмайдиган болалар биргина эътиборсизлик туфайли нотўғри йўлга кириб қолишлари мумкин. Уларнинг безорилик, ўғрилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга аралашиб қолмаслиги учун доимий эътибор талаб этилади. Бунга нафақат ота-оналар, ўқитувчилар балки ҳар биримиз масъулмиз

Бугунги кунда Каттакўрғон шаҳри аҳолисининг 34 минг 255 нафарини воёга етмаганлар ташкил этади. Уларнинг ҳар бирини назоратла олиш учун шаҳар прокуратураси тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бораётти. Бунда асосан Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги "Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан фаолият юритилимоқда. Жумладан, ходимларимиз Каттакўрғон шаҳар ИИБ вакиллари билан ҳамкорликда мактаблар, коллежлар ва маҳалла фуқаролари йиғинларида воёга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш юзасидан амалга оширилган профилактик ишларни ҳамда ушбу муассасаларда таълим-тарбия жараёнини ўрганиш борасида бир қатор ишларни амалга оширди.

Шаҳар ҳудудидаги болаларнинг назоратсиз ва қаровсиз қилишларининг олдини олишга алоҳида эътибор қара-

тилиб, бу борада ўз бурчини бажармаётган ва уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ҳамда фарзандларининг ўқишига тўқсинлик қилаётган ота-оналарга кескин чоралар қўриляпти.

Мисол учун, фуқаро Б.Қодиров ўғли Хусанин Каттакўрғон шаҳар транспорт касб-ҳунар коллежида 2011-2012 ўқув йили давомида дарсларга катнашишига шариот яратиб бермаганлиги учун маъмурий жазимга тортилди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даври давомида ўтказилган тадбирлар натижасига кўра 12 нафардан ортиқ ўқувчилар дарсларга бормасдан турли ишлар билан шуғулланиб келаётганликлари аниқланди. Уларнинг ота-оналари қақририлиб, тушунтириш ишлари олиб борилди ва фарзандлари ўқишга қайтарилди.

Бундан ташқари, умумтаълим мактабларида ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишда ИИБ вакиллари ҳамда маҳаллалар билан ҳамкорликда тарбияси оғир болалар ва фарзандларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар билан ҳам

Ғолиб ҚОДИРОВ,
Каттакўрғон шаҳар прокуратура ўринбосари
Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Huquq»

суҳбатлар ўтказилди. Таълим муассасаларида ўқувчиларни дарсларга катнашиши эса қатъий назоратга олинди. Шунингдек, дарсларда тўлиқ иштирок етмаётган ўқувчиларнинг катнашмаслик сабаблари ўрганилиб, натижаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари иштирокида йиғилишларда муҳокама қилиниб боришмоқда.

Ҳудудимизда "Маҳалла" жамоат фонди, "Қамолот" ЁИХ, воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида кўпалаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шаҳардаги тиббиёт, педагогика, иқтисодиёт коллежларида ҳуқуқ-тарғибот ходимлари билан ҳамкорликда ёшлар дунёқарашини ўрганиш бўйича турли суҳбатлар, юзма-юз мулоқотлар ва учрашувлар ташкил этилди.

Шаҳарда ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларида хунар ўрганишлари учун 829 та тўғарақ фаолият кўрсатмоқда. Хозирда уларга 17800 нафар ўқувчи жалб қилинган. Ўқувчиларнинг турли но-

қонуний диний оқимлар таъсирига тушиб қолишларини олдини олиш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари янада кучайтирилди. Кўпгина мактабларда шу мавзуга оид фильмлар намойиш этилди ҳамда унинг оқибатлари юзасидан суҳбатлар ўтказилди.

Маҳаллаларда ёшлар орасида гиёҳванд моддалар тарқалиши ва истеъмол қилинишининг олдини олиш борасида ҳам кўпалаб ишлар олиб боришмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишнинг инсон саломатлигига салбий таъсири тўғрисида 45 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Хусусан, жорий йилнинг май ойида шахардаги "У.Норов", "Ермакит", "Н.Тоғоев" ва "Дўстлик" маҳалла фуқаролари йиғинларида ёшлар билан давра суҳбатлари ўтказилди.

Мактаблардаги таълим-тарбия жараёнида миллий истиқлол ғоясини тарғиблиш, ақидопарастлик ва миллий тараққиётимизга зарарли ғоялар кириб келишининг олдини олиш мақсадида турли семинар машғулотлари ўтказилди. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг назоратсизлиги билан боғлиқ муаммоларни вақтида хал этиш мақсадида шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга умумтаълим мактаблари директорлари томонидан ҳар чоракда ҳисобот бериб бориш вазифалари топширилган.

Ногиронлик пенсияси

Инсон қайси ҳолатларда ногиронлик пенсиясига чиқиши мумкин? Шу ҳақда низоми борми?

Ишалаётган иккинчи гуруҳ ногирони пенсия ёшига етганида пенсия миқдорини ҳисоблаш қай тарзда амалга оширилади?

2-гуруҳ ногирони бўла туриб ишлаган даври иш стажига қиралими?

П.Даулетмуродов, Қонлиқўл тумани

Фуқаронинг умумий касаллик, меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ва меҳнат лаёқатининг йўқотилишига сабаб бўлган бошқа шу каби ҳолатларда ногиронлик белгиланиши мумкин. Ногиронлики белгиланган аввал меҳнатга лаёқатсизлик даражасини аниқлаш мақсадида шахс тиббий меҳнат эксперт комиссияси «ТМЭК» томонидан Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сонли қарори билан тасдиқланган "Фуқароларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари асосида атрофлича тиббий кўрикдан ўтиши лозим.

Хусусан, бошлангич тиббий кўрикдан ўтказишга:

айнан бир касаллик туфайли вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан бошлаб узлуксиз муддат қаторасига 4 ойдан ортиқни ташкил қиладиган узок муддат касал бўлган (сил касаллигига чалинган беморлардан ташқари);

айнан бир касаллик туфайли вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан эътиборан 12 ой мобайнида танаффус билан бирга 6 ой мобайнида давом этган шахслар (сил касаллигига чалинган беморлардан ташқари);

сил касаллиги биринчи марта аниқланган, вақтинча меҳнатга лаёқатсиз-

лик даври касаллик аниқланган кундан бошлаб камида 10 ойни ташкил қиладиган, шунингдек асосий касаллик қучаган — вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан эътиборан камида 6 ой силга қарши курашиш муассасаларида ҳисобда турган тақдирда сил касаллигига чалинган беморлар қабул қилинади.

Ногиронлик белгилари аниқ кўрииб турган шахслар, шунингдек, нохуш клиник прогнози беморлар юқорида кўрсатиб ўтилган муддатлар ўтгунча тиббий кўрикдан ўтказишга қабул қилиниши мумкин. Ушбу шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишга қабул қилиш тўғрисидаги қарор ТМЭК раиси томонидан чиқарилади.

Қуйидагилар ногиронлиқнинг сабаблари ҳисобланади:

умумий касаллик;

меҳнатда майиб бўлганлик;

касб касаллиги;

болаликдан ногиронлик;

Чернобыль АЭСдаги ҳалокат туфайли майибланганлик ёки касалланганлик;

фронтида бўлиш билан боғлиқ касаллик;

ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида орттирилган касаллик; ҳарбий хизматни ўташ даврида орттирилган касаллик;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги хизмат билан боғлиқ бўлмаган касаллик;

Турмуш ўртоғим 2-гуруҳ ногирони эди. Менга уйланмасдан олдин икки нафар қизи бўлган. Биргаликдаги ҳаётимиз давомида 2 нафар фарзандли бўлиб. Бироқ, биз ўзаро келишмовчиликлар туфайли ажрашдик. Суд томонидан алимент белгиланди. Шундан сўнг эрим Россияга кетди. Суд ижрочилиги унинг қаерда ва нима иш қилишини ҳисобга олмай 47 минг сўм миқдорда алимент ундириб келишпти.

Тўрт нафар фарзандагача ҳеч жойда ишламасдан туриб қанча миқдорда алимент тўлатиши керак?

Эрим Россияда юриб шунча миқдорда алимент тўлаши мумкинми?

Суд ижрочилигининг ҳатти-ҳаракатлари тўғрими?

Никоҳимиз менинг ва эримнинг иштирокисиз бекор қилиниши мумкинми? Қанааи ҳолатларда мумкин?

Р.Маликова, Қамашли тумани

Никоҳимиз бекор қилиниши мумкинми?

Оила кодексининг 99-моддаси талаби бўйича, вояга етмаган болаларга таъминот бериш ота-она ўртасидаги ўзаро келишув, келишув бўлмаса, алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун — тўртдан бир қисми, икки бола учун — учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун — ярмиси миқдоридан ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий ҳаёлини ва бошқа эътиборга қойил ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан қамқайтирилиши ёки қўпайтирилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Оила кодексининг 102-моддасига кўра, ота-онадан болаларга ундириладиган алимент миқдори алимент тўловчининг ойлик иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадига нисбатан улушлар ҳисобида ёки пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.

Алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади доимо бир хилда бўлмай, ўзгариб турса ёхуд даромадининг бир қисмини натура тарзида оладиган бўлса, шунингдек даромаддан улуш тарзида алимент ундириш имконияти бўлмаса, ёнқи ота-она расман белгиланган иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмаса, вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун тўлатиши лозим бўлган алимент миқдори ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.

Вояга етмаган болалар учун ундириладиган алиментни қаердан туриб тўлаш шартлиги белгиланмаган бўлса-да, Оила кодексининг 104-моддаси талаби бўйича, алимент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарида пул ёки натура тарзида олинган барча турдаги даромадлардан ушлаб қолинади.

Чет эл валютасида олинадиган даромадлар алимент ундириладиган кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича сўмларда ҳисобланади.

Никоҳни бекор қилиш масаласига тўхталадиган бўлса,

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш чоғида орттирилган майиблик (яраланиш, шикастланиш, контузия);

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги хизмат билан боғлиқ бўлмаган майиблик (яраланиш, шикастланиш, контузия);

ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида орттирилган майиблик (яраланиш, шикастланиш, контузия);

ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган бахтсиз ҳодиса оқибатида орттирилган майиблик (яраланиш, шикастланиш, контузия);

Фуқаролик бурчини бажариш билан боғлиқ ҳолда орттирилган контузия, майиблик.

"Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, давлат пенсияларининг турли хилларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади. Яъни, сиз ногиронлик пенсиясини олаётган вақтда пенсия олиш ёшига етган бўлсангиз, ҳар икки пенсиядан фақат биттасини танлашингиз мумкин.

Ногиронлик бўйича пенсия тайинланаётганда ногиронлик бошланган вақтда мавжуд бўлган стажина қабул қилинади. Пенсия тайинлангандан кейинги иш стаж ва ҳақиқатдаги иш ҳақи ҳисобга олинган ҳолда пенсия миқдори қайта ҳисоб-қитоб қилинмайди.

Шу боис сизнинг пенсиянгиз меҳнат стаж қўпайган тақдирда ўзгармайди.

Бироқ пенсия ёшига етганда ногиронлик бўйича пенсиянгизни ёшга доир пенсияга ўтказишингиз мумкин. Ушбу ҳолда ёшга доир пенсия ҳисоблаб чиқарилаётганда бутун меҳнат стажингиз ҳисобга олинади.

Хулоса

Синовдан кейин

Мен туман умумтаълим мактабида кўп йиллардан бери ўқитувчи, мактаб раҳбари вазифаларида ишлаб келганман. Бугунгача олий тоифали ўқитувчи эдим. 2012-2013 ўқув йилида менга мутахассис тоифасини беришибди. Сабаби олий тоифани ҳимоя қилиш мuddати ўтган эмиш. Туман халқ таълими бўлимининг эътиборсизлиги ва ишни режалаштирмаганини оқибатида келиб чиққан бўндай молай зарарни қандай ундиришим мумкин?

С.Маҳмадинов, Бойсун тумани

Бу каби масалалар Меҳнат ва Ҳаёлини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2005 йил 30 декабрдаги қарори билан тасдиқланган "Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари билан тартибга солинади. Хусусан, малака тоифаларини бериш ва тасдиқлаш аттестация натижаларига мувофиқ аниқланади.

Педагог ходимларга Олий малака тоифасини бериш, тасдиқлаш ҳудудий халқ таълими бошқармаси ҳузуридаги мувофиқлаштирувчи комиссиянинг ваколати доирасига қиради. Аттестация синовлари мазкур комиссия томонидан тасдиқланган ҳақда асосида амалга оширилади.

Педагог кадрлар аттестация комиссияси томонидан "Аттестациядан ўтмади, олий (биринчи, иккинчи) малака тоифасига мос келмайди" деб хулоса берилса, унинг тоифаси бир тоифага пасайтирилиши керак.

"Аттестациядан ўтмади, мутахассис малака тоифасига мос келмайди" деб хулоса берилган педагог эса, малака ошириш ва бир йилдан сўнг қайта аттестациядан ўтиши лозим.

Қайта аттестация натижаларига кўра ушбу педагог кадрга яна "Аттестациядан ўтмади" деб хулоса берилса, у ҳолда педагог билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-банди асосида бекор қилинади.

Бундан кўрнатиқ, педагог ходимнинг малака тоифасини тасдиқлаш ва уни пасайтириш аттестация натижаларидан келиб чиққан ҳолда аттестация комиссиясининг шу ҳақдаги қарори асосида амалга оширилади.

Педагог кадрнинг малака тоифаси муддатига келадиган бўлса, малака тоифасига белгиланган беш йиллик муддат ўтганидан кейин педагог ўз малака тоифасини тасдиқлашга мажбур. Тасдиқлаш эса, юқорида айтилганидек, аттестация синовлари орқали уни ўтказиш ҳақдаги мувофиқ бўлади.

Педагог кадрнинг ёзма аризасига биноан ёки таълим бошқарув органи ташаббусига кўра педагог кадрни навбатдан ташқари аттестациядан ўтказиш мумкин.

Педагог кадрни навбатдан ташқари аттестациядан ўтказиш олдинги аттестацияга камида уч йил ўтганидан кейин амалга оширилиши мумкин.

Аттестация ўтказиш муддатлари ҳудудий халқ таълими бошқарув органи томонидан аттестация қилинувчиларга унинг бошлангишдан камида бир ой олдін хабар қилинади.

Юзага келган ҳолат борасида халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бошқармасига ёхуд бевосита судга мурожаат қилишингиз ва етказилган моддий зарарни ундиришни сўрашингиз мумкин.

ҲУРАМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг.
Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ
жавоб беради.

Президентимизнинг Фармойишига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 20 йиллиги кенг нишонланмоқда. Асосий Қонунимизнинг ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қурилишидаги беқиёс ўрни ва аҳамиятига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Уларга таъкидланганидек, Ўртбошимиз раҳбарлигида Конституциямизда эълон қилинган улуғвор мақсадлар рўйбга чиқариламоқда. Инсонга, фуқароларга муносиб турмуш шароитларини яратишни кўзлаб, кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар ўтказиламоқда.

Улуғвор мақсадлар сари

Конституциямиз асосида қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонунлар мамлакатимизда тинчлик ва оқойишликни таъминлаш, фуқароларнинг қобилиятлари, билим ва тажрибаларини ишга солиб, моддий-маънавий бойликларни кўпайтириб беришлари ва улардан баҳраманд бўлишлари учун зарур шарт-шароит ва имкониятларни ҳавола этмоқда. "Хар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли". Бош Қонунимизнинг 36-моддасида қафолатланган мулкдорлик ҳуқуқи иқтисодиётда хусусий секторнинг салмоғи ва улуғи тез суръатларда ўсиб боришига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг нафақат савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида, ишлаб чиқаришдаги мавқеи ҳам тобора ортиб бораётди. Президентимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маъмурий органлар томонидан уларнинг фаолиятларига гайриқонуний аралашувларни бартараф этишга қаратилган қарорлари кўзланган натижани берапти. Тадбиркорлик фаолияти йўлидаги сунъий ёғларнинг бартараф этилиши тўғрисидаги қонун қабул қилинган оилавий қорхоналар ҳақидаги қонун тадбиркорларга янада қўл келаяпти. Кишилар ўз ишларини бошлашлари учун қўлай имкониятларни яратмоқда.

Конституциямизнинг 11-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси давлат тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти-



га бўлиниши принципига асосланади. Айни чоғда, "Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади". Конституциямизнинг 106-моддасида белгилаб қўйилган ушбу қоидага биноан, учинчи ҳокимиятнинг мустақамлаш мақсадидан изчиллик билан суд-ҳуқуқ ислохотлари ўтказиламоқда. Қамоққа олиш санкциясининг судларга ўтказилиши, тергов жараёнида гумоналанувчини ушлаб туриш тўғрисидаги қарорнинг суд томонидан чиқарилиши, суд мажлисида айблов ва ҳимоя тарафлари тентлиги принципининг амалда қўлланиши борасидаги қонун ва қонуности ҳужжатларига қатъий амал қилинмоқда. Конституциямизнинг 116-моддасида белгилаб қўйилган тарзда айбланувчи ҳимояланганиш ҳуқуқи билан таъминланмоқда.

Бахтиёр МАМАТОВ,
Фарғона вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

Суд-ҳуқуқ ислохотлари мобайнида ташкил этилган жиноят ишлари, фуқаролик, ҳўжалик ишлари судларида турли тоифадаги ишлар мукамал кўри-либ, одилона ҳукм, қарорлар чиқари-моқда. Фуқаролик ишлари, ҳўжалик ишлари судларида фуқаровий, мулкӣ ва бошқа турли-туман низолар оқило-на ечимини топмоқда. Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланмоқда. Бош Қонунимизнинг 114-моддасида белги-лаб қўйилганидек, суд ҳокимияти чи-қарган ҳужжатлар барча давлат орган-лари, жамоат бирлашмалари, қорхона-лар, муассасалар, ташкилотлар, ман-сабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Ушбу конституциявий талабни таъминлаш учун ташкил этил-ган суд қарорларини ижро этиш, суд-лар фаолиятини моддий-техник жиҳат-дан ва молиявий таъминлаш департа-менти (Суд департаменти) фаолияти такомиллаштирилиб боришмоқда. Зеро, қонуннинг таъсир кучи унга асо-сан қабул қилинган ҳар бир суд ҳуж-жатининг сўзсиз ижро этилишига бе-восита боғлиқдир.

Жиноят ишлари, фуқаролик ва ҳўжа-лик ишлари кўрилишида прокурор иш-тирокиннинг салмоғи ортиб борапти. Прокуратура органлари фуқаролар-нинг ҳуқуқлари, давлат ва жамият ман-фаатларини ҳимоя қилиш борасида фаол иш олиб боришмоқда.

Конституциямизда қайд этилгани-дек, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди-да қонунларнинг аниқ ва бир хилда ба-жарилиши устидан назоратни Ўзбе-кистон Республикасининг Бош проку-рори ва унга бўйсунувчи прокурорлар

амалга оширади (118-модда). Ушбу конституциявий талабга биноан қабул қилинган "Прокуратура тўғрисида"ги Ко-нунда прокуратура органларининг вази-фалари, ҳуқуқ ва бурчлари аниқ-рав-шан белгилаб берил-ди. Қонунийликни таъминлаш, жиноят-чилик ва ҳуқуқбузар-ликларга қарши ку-раш ва уларнинг ол-дини олиш билан бир қаторда фуқаро-ларнинг ҳуқуқлари, давлат манфаатла-рини ҳимоя қилиш асосий вазифала-римиздан бўлиб қолди. Вилоят проку-ратураси органлари тадбиркорлик, меҳнат ва бандлик, ижтимоий ҳимоя, тўлов интизоми борасидаги қонуний-лик ижросини доимий равишда таҳлил этиб боришмоқда. Прокуратура орган-ларининг ҳуқуқий ва амалий ёрдамла-ри билан жойларда, айниқса, қишлоқ жойларда қўллаб қилич бизнес субъ-ектлари ўз ишларини йўлга қўйишпа-ти. Бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилиб, ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш чоралари қўрил-моқда. Таҳлилларда иш ҳақи тўловла-рининг ортга сурилиши ҳолатлари аниқлиб, судларга ишчи-ҳодимлар-нинг иш ҳақларини ундириш хусусида даъво аризалари киритилмоқда. Фу-қароларнинг турли йўсинда бузилган ҳуқуқлари амалдаги қонунларга асо-сан тикланмоқда.



Мустақиллик йилларида барча соҳаларда юз берган ўзгаришлар ва ислохотлар ҳал-қимиз учун муқаллас даргоҳ саналган оилага бўлган муносабатда ҳам ўз ифодаси-ни топти. Оилани қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини жорий этиш, мав-жуллари янада такомиллаштиришга ҳар жиҳатда имкон яратилди. Оиланинг мус-таҳкамлиги, тинч ва тотувлиги, баркамоллиги давлатимиз истиқболини белгиловчи бош омиллардан бири ҳисобланади. Ўртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Консти-туциясининг 19 йиллигига бағишланган маърузасида бу ҳақда: "Азал-азалдан ҳал-қимиз учун муқаллас бўлиши оилани ҳаётимиз таянчи ва сўянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакатимиз барқарор", деган эди.

Мустаҳкам ҳуқуқий кафолат

Султонбек ЮЛБАРСОВ,
Андижон вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

Асосий Қонунимизда оила ма-сасаларининг миллий анъана ва одатларимизга нечоғли мос тарзда ёрқин ифода этилгани-га эътибор қаратас. Конституция-нинг 63-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва дав-лат муҳофазасида" эканлиги белги-ланган. Шундай экан, ҳар бир оила субъектлари буни теран англамоқла-ри шарт, чунки бунинг мазмун-моҳи-ятида оила фаровонлигини таъмин-лаш, фарзандлар камолотини ўйлаб иш тутиш, бу соҳадаги давлат сиё-сатини тўғри англаш, ҳар бир инсоннинг жамият ва давлат олдидаги масъу-лиятларини чуқур ҳис қилиш каби ту-шунчалар ётади. Конституциянинг ушбу нормаси барча фуқароларнинг оила олдидаги масъулиятини чуқур-роқ англашга, фарзандларни юртга содик инсонлар қилиб вояга етказиш-га руҳлантиради.

Мустақиллик йилларида оила, она-лик ва болалик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга қўмақлашиш, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало уй-жой билан таъминлашга эътибор кучайди. Хусу-сан, оилаларнинг турмуш фаровонли-гини яхшилаш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсади-да, ёш оилаларга ипотека кредитла-ри берилиши орқали уй-жой билан таъминланиши ёки тадбиркорлик билан шуғулланиши, меҳнат билан банд-лиги масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Аввало, оиланинг ҳуқуқий муҳофа-засига жиддий аҳамият қаратилмоқда. Оилавий муносабатларни тартибга со-лиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равиш-да никоҳ иттифоқини тузиши, эр ва хотиннинг шахсий ҳақда мулкӣ тег ҳуқуқлигига асосланади. Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясида бўлади.

Оилавий муносабатлар ҳақида сўз бораркан, оиланинг дастлабки ҳуқуқий шакли бўлган никоҳ — эркак ва аёл ўртасидаги ихтиёрий розилик ва тенгликка асосланиб тузилган эр-кин иттифок бўлиб, унинг мақсади оила қуриш, болаларни умуминсоний қадриятлар ва анъаналар асосида тарбиялашдан иборат.

Никоҳ тузилишини муҳим шартлари-дан бири — никоҳланувчиларнинг ўзаро розилигидир. Никоҳни ўзаро розилик асосида тузиш оила барқарор ва мустаҳкам бўлиши таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Консти-туциясида оилада, оналик ва болалик муҳофазаси, никоҳ тузиш шартлари,

ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги мажбуриятлари, фарзандларнинг ота-оналар олдидаги вазифалари, шунинг-дек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқий ҳимояси-га оид қоидалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, болаларнинг ҳуқуқ ва ман-фаатларини ҳимоя қилиш ҳар доим давлатимиз олдида турган муҳим ва-зифалардан бири саналган.

Ўзбекистон Республикаси Оила Ко-дексининг 148-моддасида кўрсатилга-нидек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфа-атларини ҳимоя қилиш ваколати ва-сийлик ва ҳомийлик органлари зим-масига юклатилган.

Асосий Қонунимизнинг 64-моддаси ҳамда "Оила" Кодексининг 96-модда-сида "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар таъминот бе-ришга мажбур"лиги белгиланган. Шу-нингдек, Конституциямизнинг 64-мод-дасида ҳам "давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-оналарнинг ва-сийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъ-минлайди, болаларга бағишланган ҳай-ри фаолиятларини рағбатлантиради" деб кўрсатилган.

Конституциянинг 65-моддасида эса "Фарзандлар ота-оналарнинг насл-на-сабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъ-ий назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади" дея белгиланган.

Ушбу қоида мазмунинида нафақат оила, балки фарзандлар манфаати-нинг устуворлиги ҳам мужассам, шу-нинг учун оила қонунчилигида бола-нинг насл-насаби, фуқаролиги ва миллатини белгилаш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солу-чи ва бу борадаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган оталикни белги-лаш, оталикка эътироз билдириш, алимент ундириш каби масалалар фуқаролик ишлари суд амалиётида мазмунан кўриб чиқилмоқда, бузилган ҳуқуқ ва манфаатлар ўз вақтида бар-тараф этилмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, оила давлат ва жамиятнинг муҳим та-янчи эканлигини ҳисобга олиб, ҳар бир фуқаро Конституция ва бошқа қонун нормаларига сўзсиз риоя қилса, давлат, жамият ва ўз оиласи олдида-ги мажбуриятларини тўла бажарса, жамият тараққиёти барқарор давом этиб бораверади.

Оилада гендер тенглик

унга эришишнинг муҳим шарт

Хукукий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида дадил бораётган Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданиятини, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, иш билан таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчилардан бўлиб, хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқлар бериш борасида қатор тадбирларни амалга оширди. 1995 йилда Ўзбекистон хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (CEDAW)ни ратификация қилди. Унинг қатор моддалари миллий қонунчилигимизга киритилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу конвенция талабларига кўра, "Давлатлар ўз конституцияларига жинсий тенглик" тўғрисида алоҳида қоидалар киритишлари зарур. Мазкур қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-ва 46-моддаларида ўз аксини топган.

Юртимизда эркаклар билан хотин-қизлар ҳуқуқларининг тенглиги ва жинсий белгига кўра дискриминация қилишга йўл қўйилмаслиги борасида зарур миллий ҳуқуқий асос яратилган. Жумладан, Мехнат, Фуқаролик, Оила, Жиноят-процессуал кодексларида ва бир қатор қонунларда айнан хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган меъёрлар ўрин олган. Хусусан, Мехнат қонуни хотин-қизларнинг меҳнат шартларидаги ҳуқуқларини, оила қонуни оилавий муносабатларда аёл билан эркеkning тенг ҳуқуқчилиги, оиланинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши, оналикни муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш каби ҳаётий масалаларни, Фуқаро-

лик кодекси аёллар учун битим тузиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, ўзининг муаллифлик ва ворислик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, бошқа соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқчилигини эълон қилса, Жиноят қонунчилиги аёлларнинг поймол қилинаётган қонуний манфаатларини ЖКда белгиланган жавобгарликка тортиш йўли билан ҳимоя қилади.

Бугун олий маълумотга эга бўлган, профессионал малакали ишчи-ходим ва раҳбарлар орасида аёллар сони тобора ортиб бораётганлиги айни ҳақиқат. Айниқса мамлакатимиз хотин-қизларнинг қарорлар қабул қилувчи юқори органлардаги улуши ҳам ортиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари этиб сайланганларнинг 15 фоизи аёллардир, маҳаллий вакиллик органларида фаолият кўрсатаётган аёллар эса бугунги кунда жами депутатлар сонининг 20 фоизидан ортигини ташкил этади.

Бу ҳол Президентимизнинг "биз истиклолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласини ўз олдимишга устувор вазифа қилиб қўйганимиз ва шу йўлда амалга ошираётган улкан ишларимиз бугун ўзининг ҳосилини бераётгани барчамизни қувонтиради", деган сўзларини исботлаб турибди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-3434-сонли Фармони жамиятимизда хотин-қизлар мавқеи ва нуфузини янада мустаҳкамлашда муҳим омили бўлмоқда. Фаронда таъкидланишича, "Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, таълим ва малака даражасини ошириш, уларнинг


Отабек ХАМРОЕВ,
Яккасарой туман прокурори

сайлаб қўйиладиган вакиллик ва бошқа давлат ҳокимияти идораларидаги кенг иштирокини, хотин-қизлар қўмиталари ва юртимиздаги бошқа хотин-қизлар ташкилотларининг ҳалқаро хотин-қизлар ҳаракатида, меҳр-мурувват, таълим ва бошқа соҳалардаги халқаро тузилмалар фаолиятида фаол иштирокини таъминлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб этади. Фармон асосида диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси лавозими ташкил этилиб, бу лавозимда 8162 нафар аёл фаолият кўрсатиб, оилалар барқарорлигига ижобий таъсир этиб келмоқдалар, оиладаги муаммолар маҳалланинг ўзида ҳал этила бошланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар қимнинг билим олиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилган. Узлуксиз таълимни ташкил этишнинг принципиал янги моделини назарда тутадиган "Таълим тўғрисида"ги амалдаги Қонун эркаклар ва хотин-қизларнинг бу соҳадаги ҳуқуқларининг тенглиги, таълим соҳасида дискриминация қилишга йўл қўйилмаслигига асосланади.

Социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, таълим олиш жараёнида хотин-қизларнинг ўзлаштириш даражаси эркекларникига қараганда анча юқоридир. Республикада аёлларнинг илм олиш даражаси сановати тараққий этган мамлакатлардаги аёлларнинг илм олиш даражасидан кам эмас. Аммо шунга қарамайдан, илм олиш ҳуқуқининг бузилиши билан боғлиқ бўлган дискриминация ҳолатлари ҳаётда учраб туради.

Барчага маълумки, айрим ота-оналар қизидан кўра ўғлининг таълим олишини афзал кўради. Натижада таълим соҳасида хотин-қизлар билан эркеклар ўртасида ўрнини тўлдириб бўлмайдиган тафовут пайдо бўладики, бу хотин-қиз-



ларни бирмунча ноҳус аҳволга солиб қўяди. Бундай тафовут хотин-қизларнинг меҳнат бозоридида иштирок этиш тарзига ҳам таъсир қилади. Аёлларни умумий таълим жараёнида маҳрум қилиб, фақат хамиша ҳам тенг мавқега эга бўлавермайдиган уй-рўзгор шароитидаги турмуш билан чеклайдиган мажбурий эрта никоҳлар амалиёти ҳам шундай натижа беради. Масалан, никоҳ ёши қизлар учун 17 ёш этиб белгиланганига қарамай, уларни 16 ёшда эрга бериш анъанаси кенг тарқалган. Бундай оиланинг қизлари илм олиш, таърибга орттириш, интеллектуал қобилиятини ривожлантириш каби қатор ҳуқуқлардан маҳрум бўладилар.

Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг миллий вазифаларидан бири, хотин-қизлар ва эркеклар тенглигини қўллаб-қувватлаш ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришдан иборат этиб белгиланган. Глобал ривожланишга оид мазкур долзарб вазифа гендер тенглиги ва хотин-қизлар мавқеини оширишга эришиш имкониятини кучайтирмоқда. Бу эса, аввало, таълим масаласига эътиборни янада ошириш муҳим эканлигиндан далolat беради. Зеро, таълим миллий ва халқаро нуқтаи назардан қараганда ҳам, иқтисодий хавфсизлик масалалари, мустақиллигини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш билан бевосита боғлиқдир.

Билим даражаси юқори бўлган аёлларнинг фарзандлари одатда оптимал вазнга эга бўлади, туғилишда хавф-хатар ва ўсиш даврида касалликларга камроқ дучор бўлади. Тадқиқотларга кўра, оналар билими юқори бўлган оилада, болалар доимо тўқ, фан ва техниканинг янги йўналишларини

тезда ўзлаштириб оладиган, камроқ касалга чалинувчан ҳамда болалар ўлими кам содир бўлар экан.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Мингйиллик ривожланиш мақсадлари режасига асосан, 2001 ва 2015 йиллар орасида эришиш зарур бўлган миллий вазифалардан бири оналар ўлимини учдан бир қисмга қисқартириш, 1996 ва 2015 йиллар орасида беш ёшгача бўлган болалар ўлимини учдан икки марта камайтиришдан иборат эканлиги белгиланган эди.

Президентимиз БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган Саммитда сўзлаган нутқларида қайд этганидек, бугунги кунда оналар ўлими даражаси 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баравар камайди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданияти етарли бўлиши улар ўртасида турли ноҳус воқеалар содир этилишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Биз яшаётган XXI аср интеллектуал ривожланиш ва тараққиёт асрида, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосларидан бири аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишдан иборат.

Бунинг учун оиланинг ёш аъзоларига мос ҳуқуқий билим бериш дастурларини яратиш, ҳуқуқий онг ва тафаккурни шакллантиришнинг ҳамда ривожлантиришнинг самарали шакл ва методларини аниқлаш, оилаларда ҳуқуқий билим беришни таъкидлаштиришга ёрдам берувчи социологик тадқиқот ишлари олиб бориш ва уларнинг натижалари асосида методик тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга кенг татбиқ қилиш гендерга доир мувоозанатни сақлашга хизмат қилади.

Наманган вилояти прокуратураси томонидан вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликка порохўрлик, айниқса, коррупцияга қарши курашиш, бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиб, бу турдаги жиноятларнинг оқибатлари хусусида кенг қўламли тушунтиришлар берилмоқда.

Шундай бўлса-да, нафсининг қули, давлат манфаатидан ўз манфаатини устун билгучи кимсаларгина бундай тубан ишга жазм этадилар. Бундайлар ўз шаъни, кадр-қимматини эмас, фақат пул топишни ўйлайди. Оқибатда эса...

Президентимизнинг "Наманган шаҳри 2009-2012 йилларда обodonлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида"ги Қарори эълон қилинган. Наманган шаҳар

Ким қилмағай...

архитектура ва қурилиш бошқармаси яқка тартибда турар жойлар қурилишини мувофиқлаштириш, тақсимлаш, назорат қилиш ва доимий мониторинг ўтказиш сектори бош мутахассиси Камолитдин Пўлатовнинг "пайтавасига кurt тушди". Нянти, нима бўлса ҳам бу ишлар ортидан анчагина "соққа ишлаб олиш" эди. Шу мақсад йўлида ўзига ҳамтовок излашга тушди ва Наманган туманидаги "Қаюмов Тоҳиржон Абдурахмонов" фермер ҳўжалиги раҳбари Тоҳир Қаюмов ва "Зиёда-У" МЧЖ раҳбари Исмонали Мамажонов билан тил топишди.

Бу орада Наманган шаҳридаги Бобуршоҳ ҳамда Гирвансой қўчаларини капитал таъмирлаш ва замон талаблари асосида икки қаватли коттежлар қуриш мақсадида шу ҳудуддаги аҳоли уй-жойлари бузила бошладилар. Табиийки, уларга бошқа ҳудуддан уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратиш ҳақида мутасадди идоралар шуғулланишга қаришди.

Муҳаммадали ҚИРФИЗБОЕВ,
Наманган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
Нилуфар НИСЗОВА,
"Huquq"

Бундан фойдаланиб қолиш пайига тушган ҳамтовоклар ўзаро келишиб олган, И.Мамажонов ер сотиб олишга талабдор шахсларни излашга тушди. Т.Қаюмов ўзи раҳбарлик қилаётган фермер ҳўжалигига қарашли ерлардан ана шу фуқароларга ер участкаси ўлчаб бериш керак эди. Бу ерларнинг ҳужжатини тайёрлаб, харидорларнинг "оғзини ёпиш"ни эса К.Пўлатов ўз зиммасига олди.

Шу тариха жиноий гуруҳ 2010 йил апрель ойида фуқаро Ф.Тоштемировга 0,06 гектар ер участкаси ажратиб бериб, эвазига 10 млн. сўм пулни пора сифатида олишди. Бу маблағнинг 2 млн. сўми Т.Қаюмовга, 2 млн. 700 минг сўми И.Мамажоновга, 5 млн. 300 минг

сўми К.Пўлатовга тақсимланди. Ер участкаси гўё қонуний равишда сотилаётганини кўрсатиш ва Ф.Тоштемировда шубҳа уйғотмаслик мақсадида Наманган тумани ҳокимининг қароридан кўчирма ҳамда "Ер участкаси чегаралари ҳамда қуриладиган бинонинг барча нуқталари чизмаси"ни сохта-лаштириб тайёрлашди. Ҳужжатларга сохта ёзув ва маълумотлар киритиб, қалбаки муҳр ва штамп босишди. Бундан ҳам аянчлиси, 2010 йил 27 апрель кун Намангандаги давлат нотариал идораларидан бирида ушбу ҳужжатларнинг қонуний эканлиги тасдиқланиб олиб, Ф.Тоштемировга тақдим этишди.

К.Пўлатов бошчилигидаги жиноий гуруҳ шу тариха яна ўнлаб фуқаролардан пул эвазига ер участкаси ажратиб беришни ваъда қилиб, "даромад" қилишди. Яъни, озгина фурсатда ишонувчан кишилардан 20 млн. 179 минг сўм пулларни пора сифатида олишди. Тайинки, қилмишларини яшириш мақсадида харидорлар қўliga сохта ҳужжатлар тақдим этиларди.

Андижон вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамма Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ва Андижон вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикаси мудофаа ва ҳавфсизлигини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбати бўлиб ўтди

Мамлакатимизнинг миллий ҳавфсизлигини ҳамда унинг етарли даражада кудратли сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятга эга бўлган асосий йўналишларини таъминлашга қай даражада шай эканлигини баҳолаш мезонларидан бири — тегишли конституциявий-ҳуқуқий базанинг мукамал бўлишидир. Чунки унда Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари ўз аксини топади.

Ушбу тизимда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги миллий ҳавфсизлигини таъминлашнинг асосий масалалари бўйича фундаментал принциплар, нормалар ҳамда мафқуравий йўл-йўриқларни белгилوшни конституциявий ҳуқуқ алоҳида урин тутди.

Чунонинг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий норматив-ҳуқуқий манба сифатида доимий миллий манфаатларини ва фундаментал принциплар, нормаларини ҳамда миллий ҳавфсизлигини таъминлашнинг асосий масалаларига тааллуқли мафқуравий йўл-йўриқларни белгиллаб беради. Моҳиятига кўра, ижтимоий муносабатларнинг муайян масалалари бўйича ҳар бир модда асосий субъект — инсон, жамият, давлатни ҳимоя қилишга қаратилгандир. Конституция асосида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида миллий ҳавфсизлигини ҳимоя қилишнинг тақийлий-ҳуқуқий тизимини шакллантирувчи қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

Конституция ташқи сиёсатининг асосий мезонларини белгиллаб беради, улар орасида ҳавфсизлик масалалари алоҳида урин тутди. Ташқи сиёсий фаолият, хусусан, давлатлараро тузилмаларда иштирок этиш ҳавфсизлик масалалари билан уйғунлаштирилиши лозим.

Шунингдек, Конституция ҳарбий ҳизмат тизимини, мамлакатимизнинг мудофаа ҳавфсизлигини таъминлашга давлат этилган органларни белгиллайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир, деб ёзилган бўлиб, фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдир.

Ўзбекистон Республикасида мудофаани ташкил этиш мамлакатимиз Конституциясида, "Мудофаа тўғрисида"

Наврўз РАЙИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий
прокурори ёрдамчиси

ги Ўзбекистон Республикаси Қонунчида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий ахиллиги, аҳолининг тинч ҳаёт кечириши ва ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиллаб қўйилган қатор чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Пировардида, давра суҳбати иштирокчилари шунинг таъкидладики, миллий ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати мамлакатимиздаги вазиятни, ҳозирги замоннинг ўзига хос хусусиятларини, геосиёсий омилларини, Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни ҳамда ташқи сиёсатининг Конституциямида белгиллаб қўйилган устувор йўналишларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда қурилади ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига асосланади. Миллий ҳавфсизлигининг мазмун-моҳияти ҳаётий ўқ муҳим миллий манфаатларининг турли хусусиятдаги ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлигини кафолатлашдан иборатдир. Ҳавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги конституциявий қонун ҳужжатларини ривожлантириш, шунингдек, қабул қилинаётган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш механизмлари самарадорлигини ошириш — конституциявий максادلарга эришишнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

Давра суҳбати оқди мунозара ва савол-жавоб тарзида ўтди. Таъдбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ҳарбий прокуратураси, Андижон вилоят прокуратураси ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари, Шарқий ҳарбий округ ҳамда Андижон ҳарбий гарнизони ҳарбий қисмлари ва муассасаларининг ҳарбий хизматчилари, бир қатор олий ўқув юртлири, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежаларининг профессор-ўқитувчилари, Андижон вилоятидаги ўқув юртлирининг тингловчилари, "Ватанпарвар" ташкилоти вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Мудом қалбимизда

Республикада хизмат кўрсатган юрист, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси, қатор орден ва медаллар соҳиби, юртошларимиз ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлган тажрибали ҳуқуқшунос олим, юрт учун, халқ учун том маънодаги буюк ишларни амалга оширган инсон, устоз Рустам ака Мухамедов бугун орамизда йўқ. У киши ҳаёт бўганида 15 декабрь кунини 90 ёшга қаршилаган бўларди.



Рустам Мухамедов Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида 54 йилдан ортиқ бевуқсон фаолият юритиб, мамлакатимизда эл-юрт тинчлиги, осийишталлигини таъминлашдек масъулиятли ҳамда шарафли вазифага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. У киши қаерда ва қайси лавозимда ишлашдан қатъи назар билимдон ва тажрибали ҳуқуқшунос, самимий инсон сифатида эътибор қозонди.

Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, кўрсатган жасорати ва буюк ғалабага қўшган ҳиссаси учун кўп марта давлат мукофотлари — орден ва медаллар билан тақдирланди.

У меҳнат фаолияти давомида Денон туман прокурорининг ёрдамчиси, Шеробод туман прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг катта ёрдамчиси, бўлим бошлиғи, Тўртқўл туман прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, Хоразм вилоят прокурори, Бош прокуратурада бўлим бошлиғи каби қатор масъулиятли лавозимларда ишлаб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Рустам Мухамедов амалиётни илмий-тадқиқот ишлари билан бирга олиб бориб, 1972 йилда номзодлик диссертациясини ёклади. Унинг илмий-назарий ва амалий фаолияти Республикаимиз мустақилликка эришганидан сўнг янада ёрқинроқ намоён бўлди. Ўзбекистоннинг янги Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш комиссияси аъзоси сифатида Асосий Қонуннинг "Ҳамият ва шахс" бўлими "Оила" бобини, Фуқаролик ҳамда Оила кодексларини тайёрлашда фаол қатнашди.

Рустам Мухамедов бир қатор йирик олимлар билан бирга олий ўқув юртлири талабалари учун "Фуқаролик ҳуқуқи" дарслигини тайёрлаб, III даражали дипломга сазовор бўлди.

Республикаимиз юридик фани ривожига катта ҳисса қўшган олим Рустам Мухамедовнинг 70 дан ортиқ мақолалари ёшларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Рустам Мухамедов катта ҳаёт ва юридик хизмат тажрибасига эга бўлган амалиётчи олим сифатида прокуратура ҳузуридаги Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази (ҳозирги Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари)да фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедрасини бошқарди. У бу даврда ёш прокурор-тергов ходимларини мустақиллигини кадрига етиш, уни асраш ва ёъозлаш руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшди.

Рустам Мухамедовнинг садоқат ва матонат билан қилган меҳнатлари ҳукуматимиз ҳамда Республика Бош прокуратураси раҳбарияти томонидан муносиб баҳолашиб, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист", "3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси" унвонлари, "II даражали шон-шараф" ордени, "Жасорат" медали, "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Начора, бу дунё ўткинчи. Бирок... У кишининг бизга ва келажак авлодга мерос бўлиб қолган илмий-назарий ва амалий фаолиятидаги ишлари, кўрсатган қаҳрамонликлари унинг абадий тирклигидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Ким қилмағай...

[Давомий.
Бошлангани 7-бетда]

Эгри ишнинг "миси" чиқмай қолмайди, албатта. Айниқса, юрт ободлиги йўлида давлат бюджетидан маблағ ажратилиб, бу пуллар ўз ўрнида сарфланаётгани, шунингдек, қонунчилик талаблари бўзилмаётгани тегишли идоралар томонидан доимий назоратда туради. "Қаҳрамон"ларимиз масаланинг ана шу томонини унуттишганди...

— Эртага туман ИИБга борар экансиз...

К.Пўлатов қўлига тутқазилган чақирув қозонини қўриб, оёқ-қўли қалтириб бошлади. Кейин ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилди: "Намунча кўркмасам?! Хали ҳеч нима маълум эмас-ку!"

ИИБга борганидан кейин ўзларининг қилиб юрган қилмишлари юзасидан ариза тушганини билди-ю, бу ишнинг "ёлди-ёлди" қилиш ҳаракатига тушиб қолди. Амо назарида, иш у томонга силжидирилгандек эди. Дарҳақиқат, туман ИИБ терговчиси томонидан унга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, айбланувчи сифатида терговга тортилди. Шу боис, жиноий жавобгарликдан қўчиб, қочи кетди.

У тўрт ой қўшни республикаларда яшириниб юрди. Де-

кабрь ойда ҳукуматимизнинг кечиримлигини билгани туфайли "амнистия эълон қилинмаганмикин?" деган умид билан И.Мамажоновга кўнгирок қилди.

— "Иш"ингни судгача боришга йўл қўймайми? Милицияда ишлайдиган акашонлар шу билан шугулланишяпти...

И.Мамажонов гарчи ҳеч қанақа таниши бўлмаса-да, К.Пўлатов айти тобда қамалиб қолмаслик учун ҳар нарсасга тайёр экани, қолаверса, уни пулдор деб билгани боис, яна пул ишлаб олишни ўйлаб, вазиятдан фойдаланиб қолмоқчи бўлди.

Ҳаммаси К.Пўлатов шеригидан "жиноий иш" 30 минг АҚШ доллари эвазига "ёпилиши"ни эшитгач, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат этганидан кейин якунига етди. И.Мамажонов "таниш"ларига олиб бориб бериш баҳона 6 минг 500 АҚШ долларини олаётганда қўлга тушди.

Тергов жараёнида барча чиғалликлар ўз ечимини топди. Суд ҳукми билан улар ўз насибасини олдилар. Албатта, уларга жазо тайинлашда муқаддам

судланганликлари, тайинланган жазони ўтамаганликлари ҳам эътиборга олинди.

Ўқитувчилар миллат келажигини тарбияловчи, инсонларга илмдан сабоқ берувчи, катта ҳаётга йўл кўрсатувчи касб эгаларидир. Шу боис ҳам улар доимо эътиборга, эътирофга сазовор.

Минг афсуски, сўнгги пайтларда мазкур соҳа вакиллари орасида ҳам ноконуний ишларга қўл ураётганларнинг учраётгани ачинарли. Ўқувчиларга яхши ва ёмондан, жиноят ва жазодан сабоқ бериш ўрнига, ҳуқуқбузарлик, порахўрлик қилаётган "ўқитувчи"ларнинг борлиги таажубланарли. Ана шундайлардан бири Мухторжон Мўминовдир.

Олий маълумотли, ҳаётнинг пасту баландидан, оқу қорасидан яхши қарбдор бу инсон қандай нўжя ишга қўл урдики, сўндиги қора курсидан жой олди? Ахир бошқалардан кўра жиноят нимаю, ҳуқуқбузарлик нималигини яхши биларди-ку?!

М.Мўминов бир неча йилдан буюн Наманган муҳандислик педагогика институтини

қошидаги "Дўстлик" академик лицейида қаҳриққача ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчиси бўлиб ишлаб келарди. Шу боис ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаб, улар қалбига Ватан ҳимоясидек муқаддас бурчини, йигитларни мард, жасур қилиб тарбиялаш унинг асосий вазифаси эди. Аммо Мухторжон ана шундай шарафли касбни масъулият билан бажариш ўрнига ноконуний ишни афзал кўрди, нафсининг нағмаларига учиб, порахўрликка қўл урди. Унинг шу мақсадда қўйган тузоғига учкўргонлик Х.Садирова илинди.

Мухторжон Х.Садированинг ишончига кириб, унинг синглиси М.Садировани ҳамда Ш.Абдуллаевни Наманган юридик коллежига, В.Молчановни эса "Дўстлик" академик лицейига "ўқишга кириштиб қўяман", деб алдаб, улардан 1100 АҚШ доллари миқдорида пора талаб қилди.

Унинг ёлгон ваъдаларига ишонган Х.Садированинг бу шартга рози бўлишдан бошқа иложи йўқ эди. Чунки вақт ўтиб борар, синов онлари

яқинлашиб қолган эди. Шунинг учун ҳам учрашув кўни ва жойини келишиб, пулни олиб келиш учун уйига жўнади.

Нихоят, қутилган кўн ҳам келди. Жорий йилнинг 5 июль кўни Мухторжон Наманган шаҳар, "Дўстлик" кўчасидаги "Ортопедия" бекати рўпарасида пайдо бўлди. У бир инсонни интизорлик билан кутарди. Бир оздан сўнг у кутган киши келди.

Х.Садирова Мухторжонга 1000 АҚШ доллари олиб келганини айтди. Мухторжон пуллари олиб, жуфтакни ростламоқчи бўлди, аммо...

Х.Садирова М.Мўминов билан илк бора гаплашган кўниёқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллариға ариза билан мурожаат қилиб, ундан пора талаб қилишгаётганини баён этганди. Қонун ҳимоячилари Хуршидага керакли кўрсатмалар бериб, мазкур иш ўзасидан тезкор тадбир ташкиллаштиришди.

Жиноят ишлари бўйича Наманган тумани суди порахўр ўқитувчининг мазкур жиноий ишини ўрганиш баробарида унга нисбатан тегишли тартибда жазо тайинлади.

Ҳайалимизки, ушбу жиноят тафсилотлари "қаҳрамон"ларимиз каби ана шундай қинғир ўй-хаёллар билан бойиб кетишни орзу қилиб юрган кимсаларга ҳам сабоқ бўлади.

Яширин цех ёмбилари



Давлат пул тизимининг муҳим йўналиши бўлган олтин давлат назоратидадир. Яқинда жуаа кўп миқдордаги ана шундай қазима бойликнинг олин-сотилси билан ноқонуний шугулланган ва бу қимматбаҳо металлни давлатга топшириш қондаларини бузиб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятларини солир этган уюшган гуруҳнинг қилмишлари фош этилди.

Иждувон туманидаги Бобур кўчасида тўхтаган "Матиз" хайдовчиси тепасига такси белгиси қўйилган "Нексия" автомашинасининг хайдовчисига юзланиб, қуюқ сўрашди-да, ундан қора пакетларга солинган нарсаларни олиб, ўз машинасига юклди. Ҳамкорликда тадбир ўтказётган СВОЖДЛҚК Департаменти ҳамда бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари бу жараёнда жиноят аломатлари борлигини сезиб, уларни кўздан қочирмадилар. Маълум вақт ичидаги кузатувлардан сўнг улар қўлга олинди. "Матиз"га ортилган қора пакетларда 23 млн. 500 минг сўм пул борлиги аниқланиб, суриштирув ишлари бошланди.

— Пуллар кимники, қаердан келди ва нима эвазига берилаяпти?

— Бу қўйма олтиннинг пуллари. Тошкентдан юборишган, — деди "Матиз" эгаси Лазиз Қодиров.

Кўп ўтмай, ота-ўғил Анвар ва Лазиз Қодировлар ўз уйларида олтин қукунига қайта ишлов бериб, уни қўйма ҳолатга келтирадиган яширин цех ташкил этганликлари, бу фаолиятга бошқаларни ҳам жалб қилаётганликлари маълум бўлди. Уларнинг хонадонини кўздан кечирилганда, яширин цех фаолият юритганини исботловчи ашёвий далиллар — 5 дона кислород баллонини, 2 дона пропан газ баллонини, полиэтилен идишда 4 литр азот кислотаси, олтин қукунини

қайта ишлашга мўлжалланган қўлбола ускуналар, электрон тарози, қўйма олтиннинг олди-сотдиси билан боғлиқ ҳолатлар акс эттирилган дафтарлар топилди. Шунингдек, уларга тегишли "Каптив" автомашинасини топилган, умумий оғирлиги 94,51 грамм, давлат нархи 9 млн. 271 минг сўм бўлган, қўлбола усулда тайёрланган олтин қўймаларини А.Қодиров сотиш мақсадида сақлаб юрганини ҳам яшириб ўтирмади.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари Қодировларнинг уйини кўздан кечиришгаётганда, уларнинг доимий миқозларидан бири, қўшни қишлоқлик Ҳамройов Тошев ҳам кириб келди. Ҳ.Тошев чўнтагидаги полиэтилен пакетга ўралган олтин қукунини Қодировларга пуллаш мақсадида келган экан.

Маълум бўлишича, "Денов" ҚФЙ ҳудудидаги "Маҳалла-боки" қишлоғида яшовчи бир неча фуқаро 2006 йилдан буюн Навоий вилоятидаги "Навоий тоғ-кон металлургия" комбинатига қарашли алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлардан таркибида олтин моддаси бўлган қум заррачаларини олиб келиб, қумни ювиш орқали олинган олтин қукунини Қодировларга сотиб келишган. Ота-ўғил бу қуқуннинг ҳар бир граммининг 80 минг сўмдан 140 минг сўмгача сотиб олиб, қўйма ҳолатга келтириб, Тош-

Жалол БОБОЕВ,
Бухоро вилоят прокуратураси
катта терговчиси
Учқун РАЗЗОКОВ,
СВОЖДЛҚК Департаменти
Шофиркон туман бўлими бошлиғи

кентдаги заргар танишларига граммининг 145 минг сўмдан етказиб беришган.

Наҳотки, бир қишлоқда ўттиз нафардан ортиқ одам шу иш билан шугулланган бўлса-да, маҳаллий назорат органлари бунга эътибор беришмаган бўлсалар, дея ўйларсиз?

Албатта, бундай ноқонуний ишлар уларнинг назаридан четда қолмаган. Лекин... Шофиркон туман ИИБ ХООБ профилактика инспекторлари М.Гадоев ва Р.Ҳасановлар ўз ҳудудларида қайси фуқаро бундай ноқонуний фаолият билан шугулланишини яхши билганлар. Аммо, уларга нисбатан қонуний чора куриш ўрнига, нафсларига қулоқ тутиб, ўз мансаб ваколатларини суистеъмол қилишган. Профилактика инспекторлари Қодировлардан олинган сўм ҳамда АҚШ доллари қўринишидаги пора эвазига уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, "олтин чиқарувчи цех"лар фаолиятини аниқлаш мақсадида режалаштириладиган тадбир ҳақида, унинг вақтини билиб, олдиндан хабардор қилишга ваъда беришган.

"Работ" қишлоғилик Анвар

Ҳомидовни ҳам мана шундай олтинфурушлар қаторига қўйиш мумкин. У ҳам Қодиров сингари олтин қуқунларини сотиб олиб, яширин цехда уни қўйма ҳолатига келтирган ва ҳафтасига икки марта тошкентлик танишларига, баъзида эса бухоролик тиш шифокорлари ёки у ердаги заргарларга пуллаб, ноқонуний даромад ортирган. А.Ҳамидов бу "бизнеси"га қариндоши — муқаддам шундай фаолият билан шугуллангани учун судланган Зумрад Рустамовани ҳам жалб қилган. Бу шахсининг жиноий фаолиятини ҳам профилактика инспекторлари М.Гадоев ва Р.Ҳасановлар ўз паноҳларига олишган.

Тезкор тадбир чоғида А.Ҳомидовнинг ёнидан 3,5 грамм олтин қуқуни мажҳуд бўлган қум зарралари ҳамда олти дона умумий оғирлиги 21,6 грамм — давлат нархи 2 млн. 118 минг сўм бўлган қўлбола усулда тайёрланган соф олтин қўймаси топилди, ашёвий далил сифатида олинган.

Ўзбекистон Республикасининг "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги ва "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунларини қўпол равишда бузиб, ер остидан қазиб олинган қимматбаҳо металлнинг тегишли жойга топширмай, давлатга жуда кўп микдорда зарар етказган Анвар ва Лазиз Қодировлар, Анвар Ҳомидов, Зумрад Рустамовлар ҳамда мансабини суистеъмол қилган Ражаббой Ҳомидов ва Мирмуҳсин Гадоевлар жиноий жавобгарликка тортилдилар.



Мастликдаги қотиллик

Рашид МЕҲМОНОВ,

Бағдод туман прокурори ёрдамчиси

Панжара ортидаги зумматла ўтирган Собир (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бошини деворга суяганча, ҳаёга берилган эми. Бир муаллат шу аллоҳа ўтиргач, оғир хўрсиниб "Шу ароқни ўйлаб чиқарганининг ҳам...", дея гузранди. Кейин ўзини қойишда лавом этар экан: "Қаердан ҳам ўша кунни ичдим-а? Тинчгина оилам, болаларим оламида ўтирсам бўлмасинми? Ўшанда маст бўлганимда, бундай ишларни қилмасдим-ку!..", дея пўшаймон чекади.

У жаҳл билан бошини деворга урди. Аммо афсуски энди кеч. 2012 йилнинг 20 март кунини "отиб" олган Собир соат 20:00ларда қўшни бўлиб яшовчи акасининг хонадонига кириб келди. У бу таширифи билан акасини йўқлаб, унинг ҳол-аҳволидан хабар олиш ниятидан йироқ эди. Шундоқ ҳам роса ичгани камлик қилгандай, бу ердаги "базму жамшид"га қўшилгиси келганди. Уни укаси Бунёд, жиёни Алишер ва яна икки меҳмон кутиб олишди. Собир даврга қўшилиб, улар билан пиёзаларни қўқштирди. Бу орада кайфи тороқ бўлиб қолган жиёни уни куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қила бошлади. Бундан Собирнинг сочи тикка бўлган бўлса-да, аламини ичига ютиб, ўрнидан туриб кетди.

У ўша пайт вазиятдан келиб чиқиб, тўғри қарор қабул қилди. Энди у бошқа кун жиянига меҳмон олдига яхши иш қилганини босиқлик билан тушунтиради, деб ўйларсиз... Аммо афсуски, бундай қилмади. Ўзгалар олдига ўзини камситилган ҳис қилиб, жиянидан ўч олишни мақсад қилди.

Орадан кўп ўтмай уйдидан пичоқ олиб чиқди-да, "муҳим гапи" борлигини айтиб, Алишерни чақирди. Қандайдир нохушлик рўй беришини сезган Собирнинг акаси Аҳмад ҳам ташқарига чиқиб, нима қаллигини сўради. Укаси унга ҳеч гап йўқлигини айтиб, ичкарига кириб кетишга қўндрди.

Сўнг жиянига "Сенда гапим бор эди, юр, нарироқда гаплашиб оламиз", дея четроққа бошлади. Санокли даҳиқалардан кейин ёруғ дунёни тарқ этишини ҳаёлига ҳам келтирмаган Алишер унинг ортидан эргашди. Аксининг уйдан 10 метрча узоқлашгач, Собир тўсатдан жиянининг юрагига пичоқ урди. Воқеалар бундай ривож топишини кутмаган Алишер қўллари билан чап кўрагини ушлаган қўйи ерга чўк тушди. Собир эса тезда воқеа жойидан ғойиб бўлди...

Собир Юнусов ўша мудҳиш хатоси ҳақида ўйларкан, тинмай хўрсинар, спиртли ичимлик истеъмол қилгани учун тинмай ўзини қойирди. Энди у умрининг 10 йилини панжара ортида ана шундай хўрсиниш, қойинишлар билан ўтказди.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судида яна бир жиноий ишга ҳукм ўқилди. Унга кўра, 1983 йилда туғилган Ҳамина Камонова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 13 йил, 1991 йилда туғилган Олим Абиловга 10 йил, 1992 йилда туғилган Мурод Бадаловга эса 11 йил муаллатга озоликан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Ўқувчида "ҳали ўттиз ёшми ҳам қораламаган бу йигитлар нега узоқ муаллатга панжара ортидан жой олдилар экан?" деган савол туғилиши табиий.

Дераза ортидаги шарпалар

Чунки, бу кимсалар ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида босқинчилик жиноятини қасддан содир қилишган. Уларнинг умр йўлларида назар соладиган бўлсак, аянчи ҳолатга ғувоҳ бўламиз. Ҳ.Қалоннов уч марта, М.Бадалов эса муқаддам бир марта судланиб, жазо олган бўлсалар-да, аммо ўзлари учун керакли тарбияни олмаган эканлар...

2011 йилнинг 11 апрель кунини ўчовлон ўзаро жиноий тил бириктириб, Чилонзор тумани, Хайриобод маҳалласи Катта-Қаъни кўчасидаги уйлардан бирининг деразасини металл жисм билан очиб, юзларига никоб қийган ҳолда уй ичига кирдилар ва хонадон соҳибининг мол-мулкни ўғрилаб кетишди.

Шу кунини ўй эгаси Комил Рустамов ўзининг меҳмонхонасида ухлаб ётарди. Зинадан эшитилган, оёқ товушидан сергак торган К.Рустамов:

— Ўғлим, сенмисан? — деб бошини ёстикдан кўтаради.

Унинг овозини эшитган жиноятчилар уй эгасининг уйғоқлигини билиб, меҳмонхонага бостириб кирдилар-да, Комил аканинг томоғига пичоқ тирайдилар:

— Тез бўл, пул ва тилла буюмларингни чиқар! Акс ҳолда ўзингга қўшиб, болаларингни ҳам ўлдирамиз, — дея уй эгасини қўрқитишга тушадилар.

— Шуларни берсам, чиқиб кетасанларми?

— Ҳа, шунда жонинг омон қолади, — босқинчилардан бири шундай деб, қўлидаги темир бўлағи билан бир зарба туширади.

Вазият жиддийлигини англаган К.Рустамов 410 минг сўм пул билан 400 АҚШ

Музаффар ҲАЙТОВ,
Чилонзор туман прокурорининг иш
ўрганувчи ёрдамчиси

долларини уларга тутқади. Жиноятчилар пуллари қўлга киритгач, стол устида турган уяли телефонини ҳам олиб, воқеа жойидан ғойиб бўлишди.

"Жиноятнинг умри қисқа" дейишади. Босқинчилик жиноятидан хабар толган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан олиб борилган тезкор чоратадбирлар натижасида босқинчилар ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Хулоса қиладиган бўлсак, бу йигитлар аввалги жиноий қилмишлари учун тайинланган жазодан керакли сабоқ олиб, ҳалол меҳнат билан пул топишга ҳаракат қилганларида, бугун яна панжара ортидан жой олмаган бўлар эдилар.



Бугунги кунда иқтисодийетимизнинг ривожланишини талбир-кор ва шайлоларни тасаввур эттиб бўлмайди. Уларнинг эркин фаолият кўрсатишлари учун етарли имкониятлар яратиб берилиши самараси ўлароқ, бундай кишиларнинг меҳнат-лари эвазига бозорларнинг турли-туман маҳсулотлар билан кундан-кунга бoлaй бoрaяпти.

Ови бароридан келмаган Овчиев

Маъруфжон АҲМЕДЖАНОВ,
СВОЖДЛҚҚ Департаментининг Шайхонтохур туман
бўлими бошлиғи ўринбосари

Ана шундай имкониятлар моҳиятини тушуниб етган тадбиркор борки, ишбилармонлиги ортидан ҳам ўзига, ҳам эл-юртга наф келтирмоқда. Бироқ, виждонан ишлаб келаётган инсонлар орасида бундай хислатлардан йироқ бўлган, дарҳол бойиб кетиш режасини тўзганлар ҳам учраб турибди.

Худди шундай "тадбиркорлик"нинг бошини тутганлардан бири — пойтахтимизда фаолият кўрсатиб келган "Zolotoy Modern Servis" МЧЖ раҳбари Элёр Овчиев экан.

Жумладан, 2011 йилнинг 25 сентябрида тузилган шартномага кўра, "Zolotoy Modern Servis" МЧЖ томонидан "Aqua-fina life" МЧЖга 18 млн. 600 минг сўмлик цемент маҳсулоти етказиб берилиши керак бўлган. Аммо Э.Овчиев ушбу маҳсулотни номаълум шахсларга нақд пулга сотиб юборган. Чакана савдодан тушган пуллари на НКМ хотирасига киритган ва на банкка кириш қилган. Юк хати ва ҳисоб фактураларни эса соҳлаштириб қўй қолган.


Шунингдек, у 2011 йилнинг 3-чораги учун туман ДСИга топширилган ягона солиқ тўлови бўйича ҳисоботида товар айланма миқдорини камайтириб кўрсатиб, 19 млн. 250 минг сўмлик солиқларни тўлашдан бўйин товлаган.

Э.Овчиев мансабини сунистеъмом қилиб, фуқаро Н.Эгамбердиев билан жиноий тил бариқтирган ҳолда яқна тартибдаги тadbirkор "М.М.Музаффаров" номидан сохта маълумотлар қиртилган тўлов топшириқномаларини расмийлаштириб, аслида etkazиб берилмаган махсуслашув учун "Zolotoy Modern Servis" МЧЖнинг ҳисоб рақамига ЯТТ "М.М.Музаффаров" ҳисоб рақамидан 14 млн. 200 минг сўмини ўтказиб, ўзганинг мулкни талон-торож қилиб юборган.

Бундан ташқари, у қингир ишларини яшириш мақсадида "Zolotoy Modern Servis" МЧЖга тегишли бухгалтерия ҳужжатларини ҳам қасддан nobud қилган.

Э.Овчиев шу билан "ёпиғлиқ қозон ёпиклиғича қолади", деб хомтама бўлган эди. Ўтказилган текшириш давомида унинг барча қилмишлари фош бўлиб қолди.

Суд ҳукми билан Э.Овчиев қилмишига яраша жазосини олди.



Нафс, қандай йўллар билан бўлмасин, бойлик орттириш илинжида кишини ҳар мақомга йўргалатар экан. Йўқса, даромад топишини қонун билан белгиланган турли йўллари ҳам борки, аксарият жортолларимиз бундан унутили фойдаланиб, ҳам ўзларига, ҳам жамиятга фойда келтирмоқдалар.

Кашкадарёлик Қ.Дияров бу йўлдан боришни ўзига эп кўрмади ми ёки бошқа бир сабаб биланми, ўзгача йўлни танлади. Охир-оқибатда эса, суднинг қор курсисидан жой эгаллади.

Ҳаммасига унинг автомашинага бўлган ишқибозлиги сабаб бўлди. Замонавий автомашина ҳайдаб юрганларни кўриб ҳаваси келар, ўзи ҳам ана шундай машиналарни бошқаришни орзу қиларди. Аммо бу истакни амалга ошириш учун пул кераклигини ҳам уйлай биларди. Хуллас, уйлай-уйлай, йўлини топди. Бу ишда укаси Д.Дияров, танишлари Ф.Аллаев, Д.Аҳмедов ва бошқаларнинг ёрдамига суянди.

Ишни Германияда ишлаб чиқарилган "Мерседес-Бенц" русумли автомобилани Узбекистон Республикасига олиб киришдан бошлаган гуруҳу аъзолари, божхона назорати-ни четлаб ўтISHи хийхир қил-дилар. Сунгра, Самарканд ви-лояти туманларидан бирида фаолият юритувчи ИИБ ДАНБ ТВРШ бўлинмаси бошлиғи билан келишган ҳолда, автома-шинани ўша туманда яшовчи Э.Очиловнинг номига расмий-лаштириб, муқаддам Фаргона вилоятида рўйхатдан ўтган ва давлат белгиси берилган, дея-сакта маълумотлар билан рас-мийлаштириллар. Шу йўл бил-лан машина учун транспорт воситасини қайд этиш гувоҳ-номаси ҳамда янги давлат ра-қам белгиси олинди.

Бу иш битгач, Фарғона шах-

рида фаолият юритаётган нотариус билан тил бириктириб Э.Очиловнинг иштирокисиз унинг имзоси қалбақлаштирилади. Бу иш учун нотариус 150 минг сўм ҳақ олади. Д.Ахмедовнинг номига олди-сотиш шартномаси расмийлаштирилди, унга ишончнома берилди. Кейинчалик, ушбу ишончномадан фойдаланган ҳолда, автомашина таниш бир фуқаронинг номига ўтказилади, ва шу йўл билан автомашина Тошкент шаҳар ИИБ ЎХХБ туманлараро рўйхатлаш бўлимида рўйхатга қўйилиб, яна бошқа давлат рақам белгиси олинади. Барча "хужжат"лар қонунийлаштирилган, автомашинага харидор топишда ва 4 млн. сўмга сотиб олиб юрсади. Пулларни ўзаро бўлиб олишди.

Гуруҳ азолари кўп ўтмай бошқа усулни танлашади. Яъни, Фаргона вилоятидаги рўйхатда олиниб, фуқаро Д.Парпиевнинг номида бўлган қора рангли "Ласетти"га гўё харидор бўлиб, ундан автомашинани 17 минг АҚШ долларига сотиб олиш ҳақида келишадилар ва пулни кейин беришни ваъда қилиб, машинани олиб кетадилар. Бу сафар ҳам нотариснинг ёрдами билан, машина эгасининг иштирокисиз олди-сотди шартномаси расмийлаштирилади ва гуруҳнинг бир азёси номига Тошкент шаҳрида қайта расмийлаштирилади. Бу орада Корея Республикасида ишлаб чиқарилган, кузов ва двигател рақамларини аниқлашнинг имкони бўлмаган қора рангли

ҚИЙИҒИ

Аброр АБДУЛЛАЕВ,
Бош прокуратура бошқарма
АМИБ катта терговчиси

"Ласетти" автомашинасини топадилар ва унинг кузов рақами ўрнига Б.Парпиевнинг автомашинаси кузов рақами-ни киритадилар.

Бу ишни битиргач, энди кераги бўлмади қолган Б.Парпиевнинг номидаги автомашина автомашиналарини таъмирлайдиган бир устхона ёнига ташлаб кетадилар. Аймочки, улар гуруҳнинг бир аъзоси ёрдамида давлат белгисини қалбаки усудга тайёрлаб, ундан фойдаланишдан ҳам тап тортишдилар. Шундай қилиб, Кореяда ишлаб чиқарилган, аммо қалбаки кузов ҳамда двигател рақамлари бўлган "Ласетти" автомашинаси ҳам бохона чегарасидан яширин тарзда Ўзбекистонга олиб кирилади. Шу вақт оралиғида гуруҳ аъзолари Қашқадарё вилоятида турилган бир фуқаронинг фуқаролик паспортини эгалаб, унга ушбу автомашина сотилганлиги ҳақида қалбаки ҳужжатлар тайёрлашади. Ушбу ҳужжатга асосан, паспорт эгасининг имзосини қалабкилаштириб, автомашинага янги транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси ҳамда давлат рақам белгиси олишга муваффақ бўлишади.

Гуруҳ аъзолари қалбаки-
лаштириш ишларига шу дара-
жада қизиқиш қолтирган-ки,
Тошкент шаҳридаги кўчалар-
дан бирида қаровисиз қолди-
рилган "ЗАЗ" автомашинаси-
нинг давлат рақам белгилари-
ни ярим кечада ечиб олиб, но-
қонуний йўллар билан юрти-
мизга олиб келинган "Ласетти"
автомашинасига ўрнатиб, ун-
дан бемалол фойдаланиб ке-
лишган экан. Ушбу автомаши-
на Д.Дизловнинг уйида тинтув
ўтказилган пайт анқилди.

Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида ҳалол меҳнатдан қочиб, ноқонуний ишларга қўл урган "машинафуруш"ларнинг ҳам охир-оқибат қилмишларига чек қўйилди ва уларнинг ҳар бирига суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

[illegible]

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2013 йил 9 январда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокаралар ўтказилишини ҳамда ушбу кун савдолар бўлмаган тақдирда 2013 йилнинг 22 январь, 5, 19, 26 февраль кунлари сакторий тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга тақлиф этди.

ОБЪЕКТНИ СОТИБ ОЛИШ ШАРТЛАРИ КЎЙИДАГИЧА:

— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш:

— қисқа муддат ичида (кўпи билан 1 йил) курилиш меъёрий қоидалари (ҚМК) талабларига мувофиқ курилишни тугатиш ва бунинг учун зарур инвестицияларни кiritиш;

— "Объект"лар негизда ташкил қилинадиган фаолият турини "Бизнес режа" асосида амалга ошириш:

— янги иш ўринларини ташкил этиш.

САВДОЛАРДА КАТНАШИШ УЧУН ТАКДИМ ЭТИЛАДИГАН ХУЖЖАТЛАР:

— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15% дан кам бўлмаган гаров суммаси;

— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шарт-номасини имзолаш шarti юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3-соат колганда тўхтатилади.

Музокаралар 2013 йил 9 январь кuni соат 16:00 да, 22 январь кuni соат 16:00 да, 2013 йил 5, 19 ва 26 февраль кунлари соат 16:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шoҳ кўчаси, 16-“а” уй манзилида ўтказилади.


Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72

Оммавий оферта савдодаларига чиқарилаётган давлат объектлари рўйхати								
№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сакловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган бошлангич нархи	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция қиритиш муддатлари
1	Бино ва иншоотлар	8 204,00	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик халқа йўли (Ниязов) кўчаси, 1-уй манзилида	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги Зоология институти	25.04.2012. ПҚ-1743	7 317 811 400,00	2 195 343 420,00	1 йил
2	Қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси	9 886,00	Бектемир тумани, Бектемир (собиқ Сувчи) даҳаси, Чо Мен Хи кўчасида	Тошкент шаҳар ҳокимияти “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг” компанияси	6.07.2012 №199	1 049 271 287,00	1 049 271 286,00	1 йил

Тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!



СИЗНИНГ МАБЛАҒИНГИЗ “МИКРОКРЕДИТБАНК” ОМОНАТЛАРИДА СОНИЯЛАР САЙИН КЎПАЯДИ!



«ИШБИЛАРМОН» омонати

Мурожаат учун телефонлар: (99871) 273-05-80, 273-05-87.

Хизматлар лицензияланган.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» масъулияти чекланган жамиятида 5 ноябрдан 12 ноябргача бўлиб ўтган аукцион савдоси натижалари

№	Объектнинг номи	Жойлашган жойи	Минимал киймати (сўмда)	Сотилиш киймати (минг сўмда)
Марказий идора				
2012 йил 5 ноябрда сотилган кўчмас мулк				
1	Ижтимоий-маиший ва маъмурий ишлаб чиқариш инфраструктура комплекс бино-иншоотлари	Тошкент вил, Зангиота т, Бўз-сув ҚФЙда	1 442 736 000,00	1 725 000,00
Сурхондарё вилояти				
2012 йил 12 ноябрда сотилган кўчмас мулк				
1	“Стоматология бўлимининг биноси”	Бойсун т, Ю.Қодиров маҳалласи, Ат-Термизий кўчасида	27 284 828,00	28 800,00

«Ko'chmas mulk savdo xizmati»
МЧЖ Андижон вилоят филиали-
да бошланғич баҳоси босқичма-
босқич ошиб бориш тартибда
ўтказиладиган очик аукцион
савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-
сонли қарорига ва Ўзбекистон Рес-
публикаси Давлат мулки қўмитаси
Андижон вилоят ҳудудий бошқарма-
сининг 2012 йил 26 ноябрдаги 84-
сонли буйруғига асосан, “7-ХАТ”
МЧЖга қарашли Андижон вилояти
Шахрихон тумани Тўйчи Хофиз
кўчасида жойлашган, бошланғич
баҳоси - 8 717 900 (саккиз милли-
он етти юз ўн етти минг тўққиз юз)
сўм бўлган “Маърифатхона ва
ҳожатхона” биноларини (кейинги
ўринларда “Давлат активи” деб
юритилади) қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сақ-
ловчи: “7-ХАТ” МЧЖ.

Балансда сақловчининг ихтисос-
лиги: Транспорт хизмати кўрсатиш.

Ер участкасининг умумий майдо-
ни 70,14 кв.м, шундан бино эгал-
лаган қурилиш майдони 70,14 кв.м.

Аукцион савдоси 2013 йил 9 ян-
варь куни соат 16:00 да бўлиб
ўтади. Аукцион савдоларида ишти-
рок этиш учун талабгорлардан бу-
юртманомалар расмий иш кунлари
соат 10:00 дан 16:00 гача қабул
қилинади (13:00 дан 14:00 гача
тушлик вақти). Буюртманомаларни
қабул қилишнинг охири мuddати:
2013 йил 8 январь куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат активи 2013
йил 9 январдаги аукцион савдо-
сида сотилмаган тақдирда, такро-
рий аукцион савдолари 2013 йил
16 январь, 23 январь, 30 январь ку-
нлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини
олдиндан маълум қиламиз. Такро-
рий савдолар учун буюртманомалар-
ларни қабул қилишнинг охири
muddати: 2013 йил 16 январдаги
савдо учун 2013 йил 15 январь куни
соат 18:00; 2013 йил 23 январдаги
савдо учун 2013 йил 22 январь куни
соат 18:00; 2013 йил 30 январдаги
савдо учун 2013 йил 29 январь куни
соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш
учун талабгорлар савдо ташкилот-
чиси билан тузиладиган закатал
келишувига асосан, давлат активи
бошланғич баҳосининг 15 фоиздан
кам бўлмаган миқдордаги закатал
пулини “Ko'chmas mulk savdo
xizmati” МЧЖ Андижон вилоят фи-
лиалининг Андижон шаҳар “Савдо-
гар” ОАТ банкидаги қўйидаги
ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт:
20208000104920609005, МФО:
00081, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси натижаларига
кўра қолиб чиққан иштирокчига 20
кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Рес-
публикаси Давлат мулки қўмитаси
Андижон вилоят ҳудудий бошқарма-
си) билан олди-сотди шартномаси
расмийлаштириш мажбурияти юк-
латилади.

Савдо қолиби томонидан тўлан-
ган закатал ўтказилган савдо нати-
жалари тўғрисидаги баённомада
қайд этилган сотиб олиш тўлови
суммасининг 15 фоиздан камни
ташкил этса, савдо қолиби давлат
активининг олди-сотди шартномаси
тузилгунга қадар сотувчининг
банк ҳисоб-рақамига ёки закатал
шартномага мувофиқ савдо ташки-
лотчисининг банк ҳисоб-рақамига
етишмаётган суммани тўланишини
таъминлайди.

Аукцион савдоларини ўтказили-
ши ва аукцион ҳужжатларини тўл-
дириш билан боғлиқ бўлган барча
масалалар бўйича мурожаат учун
манзил: Андижон шаҳар, Навоий
шоҳ кўчаси, 30-уй, 105-хона. Расмий
сайтимиз: www.1kms.uz Электрон
почта манзил: rieltsavdo@inbox.uz,
Тел: (8-374) 224-48-53. Лицензия:
RR-0001.

Тадбиркор ва ишбилармонлар
диққатига: Аукцион савдоларида
иштирок этиш юзасидан ҳуқуқлар
поймол қилиниши содир этилган
ҳолларда ҳамда ошқоралик таъмин-
ланмаган тақдирда қўйидаги ишонч
телефонларига: Давлат мулки қўми-
тасининг (8-371) 259-21-37 ёки Дав-
лат мулки қўмитаси Андижон вило-
яти ҳудудий бошқармасидаги (8-
374) 224-24-52 мурожаат қилишин-
гиз мумкинлиги билдирилади.

Аждолларимиз асрлар давомида одам жамиятини орзу қилиб, ҳақиқат тантанаси учун курашиб келган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз олдига ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишни асосий мақсад қилиб қўйди.

Халқ ироодасининг ифодаси

Азиза ҲАКИМОВА,
ТДЮИ талабаси

Ўзбекистон Республикаси суверенитетга эришгач, ўзининг мустақил давлат мақомини конституциявий асосда мустаҳкамлашга киришди.

Барқарор бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фаровон жамият учун ҳуқуқий пойдевор — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

Умуминсоний принципларга асосланган Конституциямизда инсон энг олий қадрият сифатида эътироф этилади. Ҳа, чиндан ҳам юртимизда яшаётган ҳар бир шахс, у қайси миллат вакили бўлмасин, қайси динга эътиқод қилишидан қатъий назар, тенг ҳуқуқли, унинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан кафолатланади.

Президентимиз раҳнамолигида ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳияти инсон манфаатлари, унинг турмуш фаровонлигига қаратилган.

Айниқса, бундай ислохотларнинг таълим тизимида амалга оширилиши эътиборга молик. Жумладан, мактаб-гача таълим муассасаларидан тортиб, олий таълим масканларида моддий техник базанинг мустаҳкамланиши, ўқитишнинг янги педагогик технологиялар асосидаги ўзига хос услуби... Ёки коллеж битирувчисининг иш билан бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар, ўқув хоналари, электрон кутубхоналардан фойдаланиш имкониятлари, талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини рағбатлантиришга давлат томонидан берилган эътиборни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Асосий Қонунимиз қабул қилинган куннинг 20 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Том маънода ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлган бу тарихий ҳужжатда фуқаролик жамиятининг бош гоёси — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш мақсади ўз ифодасини топган экан, бу борада биз ёшлар зиммасига катта масъулият юклатилган. Зотан, ҳуқуқий демократик давлатнинг бош тамойили қонун устуворлигини таъминлашда, жамиятда адолат принципларини қарор топтиришда изланиш, илм олиш, интеллектуал салоҳиятимизни шу юрт, шу миллат келажаги учун сафарбар этиш иштиёқи билан яшаймиз.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокуратураси жамоаси
Шимоли-ғарбий ҳарбий округ
ҳарбий прокурорининг катта
ёрдамчиси

Маҳмадвали **ТОҶИБОВ**нинг
бевақт вафот этганлиги муноса-
бати билан унинг оила аъзолари-
га ҳамдардлик билдиради



Фидойи инсон

Адолатпарвар ва фидойи инсонлардан бири,
прокуратура фахрийси Темир Таллиев қутлуғ
70 ёшни қарши олмоқда.

У киши прокуратура органларидаги 30 йиллик фаолияти мобайнида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқий-амалий тажрибасини ёш ходимларни тарбиялашга бахшида

этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди.

Иш фаолияти давомида туман прокурорининг ёрдамчиси, туман ва шаҳар прокуратурасининг терговчиси, катта терговчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Темир Таллиев ишлаш даврида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсварлиги, изланувчанлиги, адолатпарварлиги, самимийлиги ва фидойили-

ги билан ҳамкасблари орасида хурмат қозонди.

Меҳнат фаолияти мобайнида ҳар доим қонун устуворлигини биринчи ўринга қўйган Темир Таллиевнинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Темир Таллиев, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Бугунги шодиёна кунда Сизга ва оила аъзоларингизга сихат-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош
прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни
ижтимоий қўллаб-қувватлаш
жамоатчилиги Маркази



Xalq farovonligi - faoliyatimiz mezon

20 yil 8-dekabr

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni muborak bo'lsin!

"Agrobank" ochiq aksiyadorlik tijorat banki
100096, Toshkent shahri, Muqimiy ko'chasi 43
Tel: 8 (371) 120-88-33, 150-53-95

www.agrobank.uz

Xizmatlar litsenziyalangan

Huquq yuridik gazeta

Muassis:
**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir	hay'ati:
Abbosxon SANGINOV	Baxtiyor NAZAROV
Muxtor ZOIROV	(Bosh muharrir o'rinbosari)
Gulnoza RAHIMOVA	Shavkat YODGOROV
Yusufboy G'OIPOV	(mas'ul kotib)
Svetlana ORTIQOVA	

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrigilimsaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Musliff fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-5930. 45 847 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: Sh.YODGOROV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuoti va axborot agentligida 2008-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

